

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ



ГЕРМАН ФИЛОЛОГИЯСИГА КИРИШ ФАНИДАН

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2015

Тузувчи



**Инглиз тили грамматикаси ва тарихи кафедраси мудири,
филология фанлари номзоди, доцент Қўлдошев Акрам
Махмудович**

Такризчи: Филология фанлари номзоди, доцент Жўраев Б.

**Герман филологиясига кириш фанининг фанидан ўқув-услубий мажмуа – Тошкент:
ЎзДЖТУ. 2015 – _____ бет.**

АННОТАЦИЯ: Герман филологиясига кириш фани бўйича ўқув-услубий мажмуа инглиз тили грамматикаси ва тарихи кафедраси томонидан яратилди ва ушбу ўқув-услубий мажмуа иккинчи курс талабалар учун мўлжалланган. Мазкур курсни ўзлаштирган талаба герман филологияси бўйича ўқилган маърузанинг мазмунини тушуниб етарлича билимга эга бўлиш, тилшуносликда тил ва унинг пайдо бўлиши, тил оилалари, тилларнинг ўзгаришининг асосий факторлари, тилларининг ҳозирги даврдаги ривожланиши ва уларнинг ўрни ҳақида тушунчага эга бўлади. Герман филологиясига кириш фани бўйича яратилган ушбу ўқув-услубий мажмуа олий ўқув юртлари факультет ва бўлимларда инглиз филологияси бакалавриат йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган.

Тузувчи: Инглиз тили грамматикаси ва тарихи кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Қўлдошев Акрам Махмудович

Такризчи: Инглиз тили грамматикаси ва тарихи кафедраси доценти, филология фанлари номзоди, Жўраев Б.

Ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида тавсия қилинган (2015 йил _____ даги «_____» баённома)

Ўқув-услубий мажмуа олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2015 йил «__» _____ даги __-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

© ЎзДЖТУ, 2015

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА ТАРКИБИ

- 1 Давлат таълим стандарти
- 2 Фаннинг намунавий дастури
- 3 Фаннинг ишчи ўқув дастури
- 4 Фаннинг календар тематик режаси
Герман филологиясига кириш фани
- 5 Фанни ўқитиш технологияси:
Герман филологиясига кириш фани
 - а) Маърузалар ўқитиш технологиялари
 - б) Амалий машғулотлар технологияси
 - в) Мустақил ишлар технологияси
- 6 ЖН, ОН, ЯН бўйича назорат саволлари
- 7 Тестлар
- 8 Глоссарий

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон узлуксиз таълимининг
Давлат таълим стандартлари
Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти

*5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим
йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий
билимлар мазмунига қўйиладиган*

ТАЛАБЛАР

Государственные образовательные стандарты
непрерывного образования Узбекистана
Государственный образовательный стандарт
высшего образования

ТРЕБОВАНИЯ

к необходимому содержанию и уровню подготовленности бакалавра по
направлению *5120100 - Филология и преподавание языков (по языкам)*

State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan
State Educational Standards of Higher Education

REQUIREMENTS

Necessary for content and level of Bachelors in *5120100 – Philology and
language teaching*

Амал қилиш муддати « ____ » _____ 20__ йилдан
« ____ » _____ 20__ йилгача

1. 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналишининг умумий тавсифи

1.1 Йўналиш - Ўзбекистон узлуксиз таълим Давлат таълим стандартлари, Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторига киритилган.

1.2 Таълимнинг кундузги ўқиш шаклидаги муддати - 4 йил. Академик даража - «Бакалавр».

1.3 Бакалавр:

- касблар ва лавозимлар миллий классификаторига мувофиқ олий маълумотли шахс эгаллаши лозим бўлган лавозимлар бўйича мустақил фаолият кўрсатишга;

- таълим йўналиши ҳамда турдош таълим йўналишларининг магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълим олишни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касбий таълим олишга тайёрланган бўлиши шарт.

1.4 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолияти соҳалари ва объектларининг тавсифи

1.4.1 Таълим йўналишининг илм-фанлар ва хизматлар соҳасидаги ўрни.

5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши ижтимоий фанлар соҳасидаги йўналиш бўлиб, у лингвистика ва адабиётшунослик муаммоларини ўргатади. Йўналиш илмий ва педагогик ҳамда таржимонлик соҳасини ривожлантиришга, истиқболни белгилашга, касбий кўникмага мутасаддилик қобилиятига эга мутахассис тайёрлайди ва инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларини ўз ичига олади.

1.4.2 Касбий фаолият объектлари

5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолият объектлари- роман-герман тилларидан бири бўйича унинг назарий, тарихий, шевашунослик аспекти бўйича ўрганиш, роман-герман тилларидаги адабиёт ва унинг ривожланиш жараёни кабиларни ўз ичига олади.

1.4.3 Касбий фаолият турлари

5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр фундаментал, умумкасбий ва махсус тайёргарлигига мувофиқ қуйидагиларни ўзлаштиради:

педагогик фаолият: юқори малакали чет тили ўқитувчиларини тайёрлаш;

информацион библиографик фаолият: кутубхоналарда кутубхоначи бўлиб ишлаш;

илмий-тадқиқот ишлари: гуманитар йўналиши бўйича илмий текшириш ташкилотларида кичик илмий ходим вазифасида ишлаш;

муҳаррирлик: газета, журнал, радио, телевидениеда муҳаррир-таржимон, мусахҳих бўлиб ишлаш.

таржимонлик фаолияти: турли давлат ва давлатга тегишли бўлмаган хусусий ташкилотлар ҳамда муассасаларда таржимонлик қилиш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариши мумкин.

1.4.4 Турдош касбларга мослашиш имкониятлари

5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр қуйидаги:

педагогик фаолият: мактабгача таълим, умумтаълим муассасалари, академик лицей, коллеж ва бошқа таълим муассасаларида чет тилларидан дарс бериши;

маъмурий иш: маориф, маданият, туризм соҳаларида; турли давлат муассасаларида, меҳмонхона, қўшма корхоналар, фирмаларда иш юритувчи, администратор, референт вазифасида ишлаш;

сервис хизмати: техник ва бошқа таржима турларини амалга ошириш, роман-герман тилларини интенсив шаклда ўргатиш (қисқа курслар);

психологик консультация хизмати: манфаатдор кўшма корхоналарга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, турли босқичдаги таълим муассасаларида психолог - маслаҳатчи вазифасида фаолият юритиш;

илмий соҳада: бадий, илмий асарларга тақризлар ёзиш каби касбий фаолият турларига мослашиши мумкин.

1.5 Таълим олишни давом эттириш имконияти.

5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалавр куйидаги:

5A220101 - Адабиётшунослик (тиллар бўйича);

5A220102 - Лингвистика (тиллар бўйича);

5A220601 - Таржима назарияси ва амалиёти;

5A220104 - Адабий манбашунослик ва матншунослик;

5A220105 - Адабий танқид;

5A220106 - Касб-хунар фанларини ўқитиш методикаси мутахассисликлари ҳамда таълимнинг ваколатли бошқарув органи (лари) томонидан белгиланган турдош таълим йўналишлари (мутахассисликлари) бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин.

2. 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) йўналиши бўйича бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

2.1. Бакалавр тайёргарлигига қўйиладиган умумий малакавий талаблар

Бакалавр:

- дунёқараш тавсифидаги билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, гуманитар ва ижтимоий - иқтисодий фанлар асосини, жорий давлат сиёсати масалаларини билиши лозим, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил этишга қобил бўлиши;

- Ватан тарихини билиш, миллий маънавий масалалар ва умуминсоний кадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини баён эта олиши, ҳамда илмий асослай олиши, миллий ғоя асосида фаол ҳаётий ўринни эгаллаши;

- табиат ва жамиятда юз бераётган жараёнлар ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши керак, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши, замонавий илмий асосларда улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида фойдалана олиши;

- инсонлар орасидаги жамиятга, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни билиш, уларни касбий фаолиятда ҳисобга олиши;

- ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш, ишлов бериш ва унумли фойдалана олиш; ўз касбий фаолиятида мустақил фикрлаш ва керакли қарорлар қабул қила олиши;

- бакалавриятнинг тегишли йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил этиши;

- соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмонан бақувват ва спорт билан шуғилланиб бориши зарурияти ҳақида илмий тасаввурга ва эътиқодга эга бўлиши, ўзини жисмонан такомиллаштиришнинг малака ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

2.2 Умумкасбий малакавий талаблар

Бакалавр:

филолог-тилишунос сифатида: мамлакатда мавжуд турли фойдаланиш кўламига эга бўлган тилларга структурал ва функционал ривожланиш қонуниятларини мукамал билиши ва уларга тавсиф бера олиши;

филолог-адабиётшунос сифатида: ҳозирги замон адабий жараёнларини тўғри таҳлил қила билиши ва турли жанрга мансуб бадий асарларни таҳрир қила билиши;

таржимон сифатида: чет тилидан она тилига, она тилидан чет тилига турли матн ва нутқ маҳсулотларини оғзаки ва ёзма шаклда, изчил ва синхрон равишда сифатли таржима қила олиш кўникмалари устиворлигини таъминлаш ҳамда ривожлантиришни амалга ошириши;

илмий соҳада: ўрганилаётган тил ва умумий тилшунослик соҳасида тил тузилиши, унинг қўлланилиши ва турли лингвистик жараёнлар бўйича илмий изланишлар олиб бориш;

сервис ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш соҳасида: шахс психологиясининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда турли муассасаларда ўқувчи, талаба ва ходимларга керакли рекреацион хизматни кўрсата олиш кўникмаларига эга бўлиш;

таълим соҳасида: узлуксиз таълим тизими муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш (ўқув персонали), тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида ўқув машғулотларини ўтиш, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни эгаллаш ва тадбиқ этишни билиши керак.

бошқарув ва ташкилотчилик соҳасида: турли давлат ва нодавлат муассасалар ташкилий қурилиши ва бошқарув масалалари бўйича тасаввурга эга бўлиши керак.

Касбий маҳорат бўйича ўз билими ва кўникмасини эгаллаган лавозимида мустақил фаолият кўрсатиш талабларига ва профессионализмга жавоб бериши керак.

2.3 Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўникмаларга қўйиладиган талаблар

2.3.1 Гуманитар, ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича талаблар

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар қисми бўйича талаблар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

2.3.2 Математик ва табиий-илмий фанлар бўйича талаблар

Математик коммуникатив курс

Бакалавр:

- информатика, информацион технологиялар ва математик лингвистикага оид тасаввурга эга бўлиши:

- математика – оламни идрок этишнинг алоҳида усули сифатидаги, унинг тушунча ва тасаввурлари умумийлиги ҳақида;

- математик тилшуносликнинг лингвистик фанлар орасида ўрнини билиш, фаннинг тушунчалар аппарати ва таҳлил методларини эгаллаб олиши;

- матнни тадқиқ этишда ва унинг тил қатламлари бўйича элементларини аниқлашда математик лингвистика имкониятларидан фойдаланиш ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- ахборот тўғрисида, уни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш тўғрисида билиши ва қўллай олиши;

- экспериментал (тажрибавий) маълумотларни қайта ишлашнинг асосий услуб ва усулларини қўллай билиш;

- математик белгиларнинг лингвистик белгилардан фарқини, комбинатор математика элементларини;

- эҳтимоллар назариясини турли воқеаларда татбиқ қила олишни;

- синтаксисни моделлаштиришни билиши ва улардан фойдалана олиши;

- ҳисоблаш техникаси ва дастурий таъминот имкониятларидан фойдаланиш ва программалаштириш;

- компьютер графикаси воситаларидан фойдаланиш;

- содда ва мураккаб бирикмаларнинг турли кўринишларини ўз амалиётида ишлата олиш;

- ўз фаолиятида тил унсурлари қўлланилиши эҳтимоллик имконини топиш учун элементар формулалардан фойдаланиш;

- тилнинг ташкил қилувчи ва тобе тузилмаларини қўллаш;

- энг оддий амалий лингвистик масалаларни ечишда шунга мос келадиган математик назариялардан фойдалана билиш малакаларига эга бўлиши керак.

Табиий – илмий курси

Бакалавр:

- табиатшунослик тараққиётининг асосий босқичлари, замонавий табиатшунослик хусусиятлари, эволюцион ва Ньютон парадигмалари;
- жонли ва жонсиз табиатдаги ўзаро муносабатлар;
- материядаги элементлар тузилиши иерархияси тўғрисида, оламнинг микродан-макрогача ва мегагача тузилиши;
- психологиянинг физиологик асослари, ижтимоий ҳулқ, экология ва инсон саломатлиги;
- организм ва муҳитнинг узвийлиги, экосистема, табиатни асраш ва табиийбойликлардан оқилона фойдаланиш;
- талабаларнинг турли ёш даврларда ривожланиш қонуниятлари;
- мактаб гигиенаси, меҳнат ва дам олиш режасини ташкил этиш;
- ер тараққиётида инсоннинг ўрни, ягона маданият парадигмаси ва ноосфера;
- ўрганиладиган мамлакатнинг (минтақа) табиий ва ижтимоий географияси;
- ўрганилаётган тил мамлакатлари ва халқларининг илмий, маданий мерослари; ўрганилаётган тил мамлакатининг сиёсий тарихи, маданияти, дини ва иқтисодий-ижтимоий муаммолари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- табиат ривожланишининг асосий қонунлари;
- замонавий табиатшуносликда олиб борилаётган изланишларнинг асосий принцип ва услублари;
- инсон фаолиятидаги мавжуд турли хил илмий принципларни қўллаш;
- ёш авлодни тарбиялашда ёш физиологияси предметининг ўқув фанлари орасидаги ўрни ва мавқеи;
- болалар ва ўсмирлар психофизиологик хусусиятларини билиш;
- ўқув жараёнига нерв системаси, физиологияси, олий нерв фаолиятида учрайдиган юқумли касалликларнинг таъсири;
- биосфера мўътадиллигида ижтимоий факторнинг роли;
- экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари;
- ижтимоий-экологик мувозанат қоидаси;
- ўрганилаётган мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий географияси назарий билимларини;
- хорижий Ғарб мамлакатларининг тарихий ривож ва замонавийлиги нуқтаи назаридан ижтимоий- иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларининг шаклланиш масалалари;
- ўрганилаётган тил мамлакатининг тарихи, географияси, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тизими, халқаро муносабатлари, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги геополитик ўрнини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- гуманитар ва табиий-илмий маданиятни ягона тарзда синтез қила билиш;
- табиий фанлар ютуқларини эркин қўллаш олиш;
- ўз касбини тўлақонли эгаллашда ёрдам берувчи тафаккурнинг табиий-илмий усулини қўллаш билиш;
- экология қонуниятларини амалда қўллаш;
- маҳаллий ва ҳудудий экологик муаммолар келиб чиқишининг олдини олиш;
- атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш;
- атлас, статистик жадваллар, сиёсий, табиий ва иқтисодий хариталар билан ишлаш;
- тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишини таҳлил қилиш;
- тили ўрганилаётган мамлакатнинг тарихий ўзаклари ҳақида тўлиқ тасаввур шакллантира олиш;
- ёш физиологияси бўйича билимларга таяниб, таълим тарбия жараёнига илмий ёндошиш; болаларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш;

-ўқув муассасаларида санитар гигиеник талаб ва меъёрларга таянган ҳолда меҳнат ва дам олиш тартибини самарали ташкил қилиш малакаларига эга бўлиши керак.

2.3.3 Умумқасбий фанлар бўйича талаблар

Лингвистик курс

Бакалавр:

- ўрганилаётган тилнинг морфологик тузилиши ва товуш тизими;
- ўрганилаётган тилдан ўқитиш олиб борилаётган тилга таржима амалиёти спецификаси ва стилистик хусусиятлари, меъёрий грамматика асослари;
- ўрганилаётган тилнинг ривож ва тил доирасидаги асосий экстралингвистик шаклланишнинг асосий факторлари ҳамда тарихий манбалари, унинг диалектик хилма-хиллиги ;
 - мулоқотнинг оғзаки ва ёзма турлари;
 - хорижий тилларда фикрни лисоний ифода қилиш усуллари ва уларнинг нутқ оғзаки ва ёзма шаклларида қўлланилиши қонуниятлари;
 - нутқнинг диалогик ва монологик шакллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
 - асосий ўрганилаётган тилнинг ёзма, адабий ва турмушдаги шакллари;
 - тилнинг замонавий ҳолати тавсифи, ёзув, графика, орфография, пунктуация, лексик-грамматик туркумлар, сўз тузилиши, бошқа тиллардан сўз кириб келишининг умумий тарихини;
 - содда ва қўшма гаплар, сўз бирикмалари синтаксиси, лексика ва ёзма нутқ, диалектик лексиканинг асосий хусусиятлари;
 - хорижий тил талаффузи ва нутқининг интонацион жиҳатдан жиллолашини мукамаллаштириш;
 - ўрганилаётган тил грамматик ва синтактик хусусиятлари, матннинг пунктуацион расмийлаштирилишини эгаллаб олиш;
 - муайян бир коммуникатив ниятни ифодаловчи нутқ яратиш механизмлари ҳақида билиш, матннинг мантқиқий-композицион тузилишини тушуна олиш;
 - касбий йўналиши доирасида камида 4000 лексик бирлик ҳажмидаги сермахсул ва рецептив лексикани эгаллаб олиш;
 - ўрганилаётган тил китобий-босма, оғзаки- сўзлашув ва функционал стилларда учрайдиган грамматик ҳодисалар ҳақидаги билимини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, ўқиганда ва тинглаганда уларни таний билиш, энг кўп қўлланиладиган шакллари оғзаки-нутқий мулоқотда қўллаш;
 - ўрганилаётган тилда сўзловчи шахсларни кенг тарқалган кундалик ва касбий вазиятларда сўзлаган нутқини тушуна олиш, эшитилаётган матнлардан (радио, телевидение, видеокассеталар) ҳамда илмий матнларни тушуна олиш ва улардан ўзи учун зарур бўлган ахборотни ола билиш;
 - диалог ва полилогнинг (муҳокама, мубоҳаса, полемика, расмий суҳбат) каби турларини эгаллаб олиш, муҳокама маданияти ва этикасига риоя қилган ҳолда монолог (сўзлаб бериш, ахборот бериш ва маъруза қилиш) турларини ўрганилган мавзу ва сўз бойлиги орқали ижтимоий- маиший, маданий, ижтимоий-сиёсий, ўқув-касбий соҳаларда турли расмий ва норасмий вазиятда қўллаш билиш;
 - турли жанрларга мансуб бўлган публицистик, бадиий, илмий-оммабоп, функционал жанрларга оид оригинал матнларни ўқиш стратегияси бўйича барча турларини ўқиш, яъни ўрганиш учун ўқиш, танишув ўқиши, ахборот кидириб ўқиш ва юзакироқ маълумот олиш учун ўқиш процедураларини амалга ошира билиши керак;
 - матнларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш (лексико-грамматик ҳодисаларни топиш, функционал ва прагматик томондан матннинг структуравий- семантик ва стилистик хусусиятларини аниқлаш мақсадида бундай стилистик таҳлил ўтказилади;
 - кундалик ҳаёт ёки касбий мулоқот вазиятларида хорижий тилда сўзловчи шахсларнинг нутқини тинглаш ва тушуниш, турли жанрларга мансуб аудио ва

видеотекстлардан зарурий ахборотни ола билиш, ўз касбий йўналиши доирасида берилган оғзаки нутқий маҳсулотдан эътиборга лойиқ ахборотни ажрата билиш;

- ёзма маълумотларни тили ўрганилаётган давлатда қабул қилинган шаклда баён қилиш, матнлардан кўчирма олиш, қайта ифодалаш, бошқача қилиб айтиш ва умумлаштириш, оғзаки ва ёзма ахборот учун тезислар тузиш, конспект, реферат тузиш, аннотация, рецензия ёзиш, шахсий, расмий ва бизнес ҳужжатлари ва хатларини расмийлаштира олиш (таклиф-хат, хабар-хат, меморандум, электрон ахборот ва ҳк.); лавҳа ёзиш, турли кўринишдаги анкета ва формулярларни тўлдириш;

- турли жанрга оид матнларни чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига оғзаки ва ёзма шаклларда таржима қилиш;

- турли жанрдаги матнларни оғзаки ва ёзма таржима қилганда таржиманинг маданиятлараро мулоқот воситаси эканлигини инобатга олиш, шу билан бирга таржиманинг касбий малака эканлигини эътиборга олиш;

- ўз мамлакати ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат ижтимоий-маданий тарзини яққол кўз олдига келтириш ва мамлакатшунослик соҳасида кенг билимга эга бўлиш. Ўз мамлакати ва ўзга давлат жамоалари ўртасидаги ўхшашлик ва фарқ томонларини чуқур ўрганиб олиш, ижтимоий жиҳатдан қийматга эга бўлган ва маданиятига кўра ўзига хос хусусиятни ифодаловчи ахборотни билиш ва бу маълумотлар талабага ўзга этно-маданий жамият вакиллари лингвокогнитив характеристикасини тушуниб олишга имкон беришини англаш, ва мулоқот учун зарур бўлган ижтимоий-маиший, маданий, ижтимоий-сиёсий ва профессионал алоқанинг зарурлигини уқтира олиш;

-жаҳоннинг турли давлатлари маданияти хусусиятларини қиёслаш, солиштириш ва таҳлил қилиш;

-лисоний ва ўлкашуносликка алоқадор билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, коммуникатив кўникмаларини фаоллаштириш учун замонавий информацион технологиялардан фойдаланишни билиши ва улардан фойдалана олиши;

-асосий ўрганилаётган тилдаги ҳозирги замон адабий шаклида турли ҳил мураккабликдаги матнларнинг ёзма, қатор ҳолларда ўқитиш олиб борилаётган тилга таржима қила олиш;

- ўрганилаётган тилда хорижий мутахассислар ва умуман бошқа шахслар билан касбий ва маиший вазиятларда тўлақонли жонли мулоқот олиб бориш;

- ҳар хил мавзу ва мураккабликдаги матнларни ўқитиш олиб борилаётган тилдан асосий ўрганилаётган тилнинг ҳозирги адабий шаклига ёзма таржима қила олиш;

- асосий ўрганилаётган тилда мулоқот олиб бориш, нутқ сўзлаш;

- асосий ўрганилаётган адабий тилдан ўқитиш олиб борилаётган тилга суҳбат, нутқ ва маърузаларни оғзаки изчил ва синхрон таржима қила олиш;

- ўрганилаётган чет тили ва ўқитиш олиб борилаётган тилдаги маълумотларни қўллаб аннотация, реферат, маълумотлар тўплаш, тузиш ;

- бакалавр нутқ фаолиятининг турли шакл ва усулларини (ёзма, оғзаки, паралингвистик, экстралингвистик) маданиятлараро мулоқотда ва касбий фаолиятида (педагогик, таржимонлик ва бошқа мутахассисликлар бўйича) ўз нутқида қўллаш ва тушуниш малакасига эга бўлиши;

- янги информацион технологиялардан касбга йўналтирилган мақсадларда фойдалана олиш;

- турли халқаро лойиҳалар, анжуман ва синовларда қатнаша олиш малакаларига эга бўлиши керак.

Адабиётшунослик курси

Бакалавр:

- бадий ижодиётни ўрганувчи фан, яъни адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари;

- адабиётшуносликнинг мактаб ва йўналишлари;

- бадий адабиётнинг психологияси, бадий адабиётнинг вазифалари,

- бадий адабиётнинг борлиқ билан алоқасидаги муаммолар;
- адабий услуб, жанр ва усулларнинг муаммоли масалалари;
- Европа адабиётининг антик даврдан бошлаб ҳозирги давргача бўлган тарихи;
- адабиётдаги асосий йўналишлар, ижодий услублар ва адабий портретлар;
- ўрганилаётган адабиётнинг жаҳон адабиёти контекстидаги ўрни ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- таниқли адабиётшунос ва танқидчиларнинг тажрибалари;
- адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, адабий танқид тўғрисида кенг билимни эгаллай олиш;
- Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда нашр қилинган илмий адабиётлар билан ишлаш;
- Европа адабиёти анъаналаридан тили ўрганилаётган адабиётнинг миллий хусусиятларини ажрата олиш;
- турли адабиётнинг ўзаро таъсир шакли ва моделларини туркумларга ажрата олиш;
- ўрганилаётган мамлакат адабиёти бўйича ғарб тилларида олиб борилаётган асосий изланишларни билиши ва улардан фойдалана олиши;
- адабий асарларни ўрганишда назарий билимларни қўллаш;
- адабий ижодга касбий нуқтаи назардан қараш;
- жаҳон адабиётидаги жараёнларни ўзаро боғлиқлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;
- ўз билимларини ҳозирги замон ғарб адабиётидаги оқимларнинг тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти жараёнига таъсирини ўрганишда қўллаш;
- адабиётни ва унинг асосий намоёндаларини ўрганишда тарихий ва турли методологик тамойилларни қўллаш;
- турли адабиёт мактаблари ёдгорликларининг жанр ва услубий фарқларини аниқлаш;
- ўрганилаётган мамлакат адабиётини унинг гуманистик вазифалари контекстида комплекс ўрганиш малакаларига эга бўлиши керак.

2.3.4 Ихтисослик фанлари бўйича талаблар

Бакалавр:

- ўрганилаётган тил фонетикаси, грамматикаси ва лексикологияси бўйича асосий илмий-тадқиқот муаммолари ва касбий ривожланиш истиқболлари, бир-бирига яқин бўлимлар билан уларнинг ўзаро алоқасини тушуниши;
- ихтисослик фанлари соҳалари бўйича ривожланиш истиқболлари билан боғлиқ асосий тушунча, объектлар, ҳодиса ва жараёнларни билиш ва ўз касбий фаолиятини ташкиллаштиришнинг зарурий илмий воситаларини билиши;
- амалий ва назарий ўрганилаётган тил фонетикаси, грамматикаси, лексикологияси ва стилистикаси фанларини ўрганишнинг умумий методологияси ва хусусий методлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- турли шаклдаги матнларнинг фонетик, грамматик ва лексико-стилистик хусусиятларини англаши;
- ихтисослик фанларининг бакалавр тайёрлаш жараёнида тутган ўрни ва салмоғини билиши;
- ўрганилаётган тил оғзаки ва ёзма нутқ махсулотларининг фонетик, грамматик ва стилистик жиҳатдан тил нормасига мос келиши даражасини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- ўрганилаётган тил фонетикаси, грамматикаси ва луғат бойлиги ҳақидаги назарий ва амалий билимларини ўз ихтисослиги доирасида қўллаш олиши;
- ўрганилаётган тил фонетикаси, грамматикаси ва луғат бойлиги ҳақидаги билим ва кўникмаларини амалиётда қўллаш билиш малакасига эга бўлиши керак.

Бакалавр ихтисослигига қўйиладиган муайян талаблар ихтисослик ўқув фанлари блокадаги ўқув фанларининг мазмуни бўйича олий таълим муассасаси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

2.3.5 Битирув малакавий иши (лойихаси)га қўйиладиган талаблар

Бакалаврнинг мутахассислик бўйича тайёргарлигига қўйиладиган талабларни мутахассислик фанлари мазмунидан келиб чиқиб олий ўқув юрти муассасаси қўяди.

Бакалавр битирув малакавий ишида барча блокларга киритилган фанлар бўйича билимни талаб қиладиган, тугалланган касбий вазифани бажаради.

Бу иш (лойихада)да бакалавр:

- ҳал қилинаётган масала бўйича умумий маълумот олиши ва унинг ечилиш даражасини таҳлил қилиши;

- лингвистик талабларни шакллантириш, қўйилган масала вариантларини кўриб чиқиб, энг тўғри вариантни аниқлаш;

- ҳар хил назарий муаммолар бўйича қўйилган масалаларни аниқ очиб бериш ва уларни амалда қўллаш билиши;

- ечилган масала натижалари бўйича хулосалар чиқариш ва тавсиялар бериш қабиларни амалга ошириши талаб этилади.

2.3.6 Малакавий амалиёт бўйича талаблар

Педагогик амалиёт:

Бакалавр:

- талабалар мактабгача таълим муассасаси, ўрта умумтаълим мактаби, академик лицей, касб – ҳунар коллежларида педагогик амалиётни ўтай олишлари керак.

- амалиёт жараёни касбий қўникма, малакаларни шакллантириш, назарий билимларини қўллаш олиш ва уларни ўзлаштиришга имконият яратиш ва талабаларни педагогик фаолиятга мослаштиришдан иборат .

- педагогик амалиёт даврида талабалар қўйдаги касбий қўникма, малакаларни мустаҳкамлаши керак:

- турли ўқув юртларининг барча босқичларида чет тили предмети бўйича ўқув – тарбиявий жараёни ташкил қилиш ва кузатиш;

- унинг қабул қилинган қоидаларга тўғри келишини баҳолаш;

- чет тили ва бошқа фанлардан дарс таҳлил қилиш, ўқитувчиларнинг олиб бораётган ўқув – тарбиявий фаолияти ва методларининг ўқувчилар психологик ривожланишига таъсирини баҳолаш;

- дарс мақсадларига мос келадиган дидактик материаллар, инфор­мацион технологияларни тайёрлаш ва қўллаш;

- чет тили ўқув – тарбиявий жараёнини режалаштириш ва амалга ошириш;

- қўникма, малакаларни текшириш учун турли топширик, вазифаларни тузиш ва қўллаш;

- чет тили бўйича факультатив машғулотлар, синфдан ташқари ишлар ўтказиш ;

- амалиёт ўтаётган ўқув юртининг ижтимоий ишларида қатнашиш.

Малака амалиётига:

Бакалавр:

-талабалар давлат ва нодавлат ташкилотлар, муассаса, идора ва корхоналарда амалиёт ўтказиш мобайнида уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда назарий ва амалий билимларни қўллаш зарурлиги ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- танланган соҳалари бўйича фаолият юритишнинг касбий асосларини эгаллаш;

- иш фаолиятида давлат йўриқномаларини талаб даражасида билиш;

- талабаларда шахслараро мулоқот маданияти ва коммуникатив компетенцияни шакллантириш ва ривожлантиришни билиши ва улардан фойдалана олиши;

- талабалар давлат ва нодавлат ташкилотлар, муассаса, идора ва корхоналарда назарий ва амалий билимларни қўллаш олиши;

- кутубхоналарда ахборот йиғиш ва гуруҳлаш технологияси бўйича амалий кўникмаларини намоёниш қилиш малакаларига эга бўлиши керак.

3 Таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари

3.1 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш дастури таълимнинг кундузги шакли бўйича 4 йил ўқитишга мўлжалланган бўлиб, қўйидаги вақт таксимотига эга:

Назарий таълим ва амалий машғулотлар, шу жумладан оралик, якуний ва аттестациялар	136 ҳафта.
Малакавий амалиёт	24 ҳафта;
Педагогик амалиёти	8 ҳафта;
Малакавий амалиёт	8 ҳафта;
Битирув малакавий иши	7 ҳафта.
Давлат аттестацияси	1 ҳафта.
Таътиллار	36 ҳафта.
Жами	204 ҳафта.

3.2 Талаба ҳафталик ўқув юкмасининг максимал ҳажми бир ҳафтада 54 соатни ташкил қилади, шундан аудиториядаги ўқув юклама 28 соатгача белгиланади ва қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

3.3 Жорий, оралик ва якуний аттестацияни қўшганда таълим дастурининг меҳнат сиғими тўрт йиллик ўқув даврида 9072 соатни ташкил қилади.

3.4 Таълим дастурини ўзлаштириш жараёнида яхлитлаштирилган курсларнинг айрим масала ва муаммолари аудитория вақти ҳисобидан талабалар томонидан мустақил ўрганишга тавсия этилиши мумкин.

3.5 5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) йўналиши бўйича таълим дастурининг зарурий мазмуни.

3.5.1 Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки бўйича талаблар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар*» блоки бўйича бакалаврият тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар» асосида белгиланади.

3.5.2 Математик ва табиий илмий фанлар

Математик коммуникатив курс

3.5.2.1 Олий математика. Информатик лингвистика:

Замонавий математика шаклланишидаги асосий босқичлар, замонавий математика, математик тафаккурнинг асосий қирралари, математик исботлар, тугал ва чексиз қўпик, чизикли алгебра методлари - иқтисодий вазибаларни ечувчи асосий йул сифатида, математик таҳлилнинг етакчи бўлимлари, дифференциал ва интеграл сонлар, дифференциал тенглама, ижтимоий - гуманитар фанлар ривожидида математиканинг ўрни.

Информатика ва ахборот технологиялари: халқ хўжалигини юксалтиришда ЭҲМнинг ўрни ва аҳамияти, ЭҲМ даврлари, замонавий ЭҲМлар тўғрисида маълумот, операцион системалар, файллар, бейсик программалаштиришда алгоритмик тил, асосий маълумотлар: унинг алифбоси ва синтаксиси, бейсик операторлари, бейсик командалари, бейсик функционлари, алгоритм тўғрисида асосий маълумотлар, сўзли ва чизикли алгоритмнинг тузилиши, тизимли ва тармоқланган алгоритмлар.

Техник воситалар ва улардан тўғри фойдаланишни ўрганиш, тилни ўргатишда техник воситаларни ўргатишнинг аҳамияти ва ўрни.

Бакалавр лингвистик информатиканинг объекти ва предмети, информатик - лингвистиканинг бошқа фанлар орасидаги ўрни;

Информатик - лингвистика фани пайдо бўлишининг тарихий асослари, информатик – лингвистик ходисаларни англашнинг муҳим усули; ахборот технологиялари тараққиётида функционал лингвистиканинг аҳамияти; нутқни тадқиқ этишда ва унинг тил қатламлари бўйича элементларини аниқлашда лингвистик информатикадаги тизимли

ёндашув ва таҳлил методлари ҳақида; лингвистика ва информатиканинг чегарадош соҳасида кибернетикага оид интеллектуал тизимларни яратиш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ечимлари: -моделлаштириш усуллари, маълумотлар структураси ва алгоритми, дастурлаш технологияси, интеллектуал тизимларнинг архитектураси, лингвистик бирликларнинг математик ифода этилиши, ахборот технологияларида лингвистик ходисаларнинг ифодаланиши, нутқни англаш тизимида товушнинг фонетик, акустик ва математик моделлари; функционал лингвистикага оид кибернетик масалалари; тил бирликларининг структураси ва алгоритми орасидаги боғлиқлик моделлари; дастурлаш учун математик моделлари; ахборот технологияларида ишлатиладиган лингвистик ходисалар; нутқда ифода этиладиган тил бирликларининг акустик хусусиятлари, тил моделларини яратиш жараёнини автоматлаштириш;

Табиий - илмий курс

3.5.2.2 Экология. Ҳозирги замон табиий билимлар концепцияси:

Биосфера ва инсон: биосфера қатлами, экотизимлар, организм ва борлиқнинг ўзаро муносабатлари, экология ва инсон соғлиғи, теварак муҳитнинг глобал тугунлари, табиатдан фойдаланиш; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни сақлаш, фан ва техника тараққиёти инсоният меҳнати самараси, унинг турмуш даражасининг яхшиланишига ижобий ва салбий таъсири, атмосфера, гидросфера, ўсимликлар ва ҳайвонот олами, тупроқдан фойдаланиш, фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш; инсоният учун ўта хавфли ифлосланишларнинг минтақавий ва умумжаҳон даражасига кўтарилиши.

Табиий фанлар тарихидан: илмий методлар; замонавий табиий фанларнинг бугунги аҳволи ва ривожланиш тенденцияси; билимларнинг интеграцияси ва дифференциацияси, табиатдаги мувозанат, материянинг тузилиши, микро - , макро - ва мегаўлчовлар, кенглик замон ва макон, нисбийлик йўриқлари, симметрия йўриқлари, ўзаро таъсир, ҳолатлар, нисбийлик принциплари, табиатнинг динамик ва статик қонуниятлари, макроскопик жараёнда энергиянинг сақланиш қонуни, кимёвий жараёнлар, материя тузилишидаги биологик хусусиятлар, ҳаётнинг пайдо бўлиши ва у ҳақидаги замонавий концепциялар эволюцион ривожланиш йўллари, тирик организмнинг турли – туманлиги, генетика ва эволюция, инсон физиологияси, соғлиқ, тўйғу, ижод, ишчанлик, биоэтика, инсон, биосфера ва фазовий цикллари.

3.5.2.3 География. Мамлакатшунослик:

Умумий, регионал, табиий географияларнинг ўзаро алоқалари ва тафовутлари; географик қобик ривожланишининг асосий хусусиятлари ва ландшафтларнинг умумий табақаланиши, тили ўрганилаётган мамлакат физик ва иқтисодий географияси; кўл ва дарёлари табиий ресурслари, иқлими, географик ўрни, чегаралари, рельефи, фойдали қазилмалари, мамлакат аҳолиси сони, динамикаси, зичлиги, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ривожланиши, мамлакатдаги ички тафовутлар.

Сиёсий тарих: ижтимоий-иқтисодий муаммолар; дин, санъат, адабиёт, ўрганилаётган мамлакатнинг ташқи ва ички сиёсати (ибтидоий жамоа тузумидан то ҳозирги замонгача бўлган вақтлар) ўрганилаётган мамлакатнинг бошқа минтақалар ва чет мамлакатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари тарихий тараққиётининг қадимий замондан то ҳозирги кунгача бўлган ҳолати; ўрганилаётган мамлакатнинг халқаро муносабатларидаги моҳияти ва ўрни ҳамда унинг жаҳон илми ва маданиятига кўшган ҳиссаси.

Буюк Британия, Германия, Франция, Испания мамлакатлари. Географик жойлашишлари. Маъмурий бўлиниши. Сиёсий тузумлари. Давлат тузилишлари. Конституцион ташкилотлар. Олий бошқарув органлари. Сайлов системалари. Иқтисодий тизим. Халқ хўжалиги. Саноат, транспорт. Мол ва хом ашё экспорт ва импорти.

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими. Фан соҳалари. Ўқиш, дам олиш, ёшлар ҳаёти. Маданий ҳаёт. Тили ўрганилаётган мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги ўрни, уларнинг мустақил Ўзбекистон билан маданий, иқтисодий алоқалари. Географик ҳолатлар, аҳоли ва пул бирликлари.

3.5.3 Умумкасбий фанлар

Лингвистик курс

3.5.3.1 Герман филологиясига кириш (фонетика, грамматика, лексикология, стилистика, ўрганилаётган тил тарихи, роман- герман филологиясига кириш, ўрганилаётган чет ва она тилининг қиёсий типологияси):

Асосий ўрганилаётган тил (инглиз, немис, француз, испан тиллари)нинг шаклланиш босқичлари, қадимги давр тили, Ўрта давр тили, ҳозирги давр тили, чет тили тараққиётининг асосий қонуниятлари, тарихий фонетика, тарихий грамматика, чет тили луғат таркиби бойиб боришининг лингвистик асослари, ўрганилаётган чет тилининг шаклланиши босқичлари, тилнинг типологик тадқиқи, ҳозирги адабий тилнинг умумий ҳолати, ёзувнинг шаклланиши, миллий ёзувнинг тарихий тараққиёти, тилнинг фонетик тизими, ёзув ва товуш муносабатлари, фонетик ҳодисалар, орфоэпия, имло хусусиятлари, пунктуация, тилнинг луғат таркиби, ўз ва ўзлашган қатлам, сўз ва унинг маъноси, тилда кўп маънолик ҳодисаси, синонимия, омонимия, антонимия ҳодисалари, тилнинг морфологик қурилиши, сўз ясаиш усуллари, сўз туркумлари, уларнинг ўзига хос белгилари, грамматик категориялар, ўрганилаётган тилнинг синтактик хусусиятлари, гап қурилиши, гап бўлаклари, гап турлари, содда ва қўшма гаплар, кўчирма ва ўзлаштира гаплар, нутқ жараёнида тўлиқсиз гапларнинг туган ўрни, стилистика, оғзаки ва ёзма нутқ, ўрганилаётган тилнинг функционал услублари, тилнинг нутқ маданияти масалалари, ёзма ва оғзаки нутқда турли услубий воситалардан фойдаланиш, ўрганилаётган чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига таржима йўллари, матн таржимаси асослари, талабаларда ёзма ва оғзаки нутқни ўстириш, ўрганилаётган чет тилида расмий ҳужжатлар юриштиш, иш ёзмаларидан фойдаланиш.

3.5.3.2 Тилшуносликка кириш:

Тилшунослик фанининг ўрганиш объекти. Тилшунослик фанининг бошқа фанлар (социология, психология, физиология, фалсафа, тарих ва бошқалар) билан муносабати; филология ва тилшунослик.

Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши: тил - ижтимоий ҳодиса; тил ва нутқ бирлиги; тил ва тафаккур бирлиги; тил ва нутқ қатламлари (яруслари).

Матн тилшунослигига кириш. Тилларнинг типологик таснифи: генетик типология; тиллар оиласи тушунчаси; қиёсий типология; тилларнинг функционал типологияси.

Лингвистик таҳлил методлари: уларнинг ўрганиш объектлари ва ўлчовлари қиёсий - тарихий, гап бўлаклари, дистрибутив, бевосита иштирокчилар ва трансформацион таҳлил.

Ёзув. Унинг адабий тил тараққиётидаги ўрни. Ёзув турлари, унинг тараққиёт босқичлари.

Адабиётшуносликка оид курс

3.5.3.3 Адабиётшуносликка кириш:

бадий адабиётнинг умумий хусусиятлари, унинг вазифаси, санъат сифатида инсоният жамияти тараққиётидаги ўрни ва вазифасини; бадий асарнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг бошқа типдаги матнлардан фарқи, асарнинг бадийлигини таъминловчи воситалар; бадий асарларнинг турлари ва жанрлари. Бадий асарларнинг мавзу хусусиятлари; асар бадийлигини таъминловчи қофия, радиф, вазн, бадий санъатлар ва улар хусусий белгиларининг адабий жараёнда қўлланилиши; миллий адабиёт ва индивидуал ижодкорнинг адабий- ижодий новаторлиги масаласи.

3.5.3.4 Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти:

инглиз, немис, француз, испан адабиётидаги халқ қаҳрамонлик эпослари, эраизгача бўлган давр адабиёти, илк Ўрта асрлар ва Уйғониш даври гуманист ёзувчилари, классицизм, романтизм, реализм, танқидий реализм, модернизм оқимлари; тили ўрганилаётган мамлакат адабиётининг тарихий тараққиёти. Тили ўрганилаётган мамлакат адабиётини даврлаштириш ҳамда унинг асосий тараққиёт босқичлари; таниқли адабиёт намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотга эга бўлиш; ўрганилаётган

адабиётнинг жаҳон маданий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти. Ғарб мамлакатлари адабиётида адабий оқимлар, йўналишлар, адабий турлар ва жанрларнинг даврлараро тараққиёти, тили ўрганилаётган мамлакат адабиётининг ўзаро адабий алоқалари миллатлараро адабий алоқаларнинг адабиёт тараққиётига таъсири; тили ўрганилаётган мамлакат адабиётидаги йирик бадиий асарларнинг, таниқли адабиёт намоёндалари ижодига таъсири.

3.5.4 Ихтисослик фанлари

3.5.4.1 Иккинчи чет тили:

Чет тиллари бўйича мактабда олган таълимни аниқлаш ва такомиллаштириш: янги лексик ва грамматик минимумларни ижтимоий турмуш жараёнида қўллашни ривожлантириш йўллари ва уни нутқнинг барча жараёнларида қўллаш (ёзма, оғзаки, монологик ва диалогик шаклларда). Чет тилларининг бирортасида эркин сўзлашиш; ёзма ва оғзаки таржима; илмий адабиётни аннотация ва рефератлаштириш; илмий - техник таржима; илмий фаолият натижаларини чет тилида расмийлаштириш.

Юқорида келтирилган ихтисослик фанларининг рўйхати ва мазмуни кадрлар буюртмачиларининг талаблари ҳамда бакалаврлар тайёрланадиган ушбу йўналиш фани, техникаси ва технологиясидаги замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда таълим муассасаси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

3.5.5 Малакавий амалиёт

Педагогик амалиёт:

Етакчи мактаб педагогларининг 20-25 дарсларида қатнашиб, маҳорат орттириш (пассив амалиёт)

Педагогик амалиёт 8 ҳафта (актив амалиёт).

Мактаб педагогик раҳбарлиги остида амалий ва назарий фанларнинг дастури асосида 8-10 синов дарсларини ўтказиш (актив амалиёт);

Етакчи педагог раҳбарлигида ўқувчилар орасида 2-3 тарбиявий тадбир ўтказиш маҳоратига эга бўлиш;

Мактабнинг ўқув ҳужжатлари билан танишиш.

Малакавий амалиёт:

Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси ва бошқа илмий ташкилотларда, кутубхоналарда, малакавий- битирув иши учун материаллар йиғиш ва уларни қайта ишлаш, тилшунослик ва адабиётшунослик бўйича етакчи олим ва мутахассислар билан мулоқотларда ҳозирги замон фанининг долзарб масалалар бўйича маслаҳат олиш. Бундан ташқари хорижий мамлакат билан ҳамкорликда иш олиб борадиган ташкилот, фирма, меҳмонхона ва шу каби муассасаларда лисоний амалиёт тажрибаларига эга бўлади.

3.5.6 Битирув малакавий иши (лойихаси)

Малакавий битирув ишлари мавзулари олий ўқув юрти етакчи кафедраси томонидан замонавий фан ва техника ютуқлари ҳамда буюртмачи талаблари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Малакавий битирув иши мавзуси назарий -амалий ва илмий- тадқиқот йўналишига эга бўлиши керак.

Малакавий битирув иши вазифалари талабага, асосан 3 курс охирида берилади. Иш 4 курсда умумтаълим ва мутахассис фанларни ўрганиш жараёнида ҳамда уни ушбу стандартда белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишининг ҳажми етакчи кафедра томонидан белгиланади.

3.5.7 Таълим дастурини амалга ошириш

5120100-Филология (*инглиз, немис, француз, испан тиллари*) таълим йўналиша бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури мазкур йўналаш бўйича аккредитацияланган олий таълим муассасаларида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялари асосида замонавий техника воситаларидан унумли фойдаланиб амалга оширилади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига ҳамда педагоглар томонидан ўқитилишига эътибор устивор бўлмоғи ва шароит яратилиши лозим.

Малакавий амалиёт алоҳида ишлаб чиқилган амалиёт дастури асосида таълим муассасаларида, замонавий корхоналар, ташкилотлар ва ИТИларда ўтказилади. Шунингдек, амалиёт даврида ихтисослик фанларидан ҳам амалий машғулотлар ўтказилиши назарда тутилади.

Таълим мобайнида талаба Давлат аттестацияси (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлардан ва хорижий тилдан) топширади ва битирув малакавий иш (лойихаси)ни бажаради ҳамда натижасига қараб давлат намунасидаги олий маълумот тўғрисидаги хужжат (диплом) берилади. Давлат аттестацияси ўқув жараёни тугашидан олдин интеграллаш курс бўйича ўтказилади.

4 Бакалаврлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш ва баҳолаш

4.1. Бакалаврият йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

ички назорат – олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимнинг бошқарувчи ваколатли давлат идораси тасдиқлаган Назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом асосида ўтказилади;

яқуний давлат назорати - ўз ичига фанлар бўйича давлат аттестацияси ва давлат таълим стандартига мувофиқ битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади;

давлат-жамоат назорати - олий таълимнинг бошқарувчи ваколатли давлат идораси, жамоат ташкилотлари ва кадрларни талаб қилувчилар томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

ташқи назорат - Вазирлар Маҳкамаси Давлат тест маркази қошидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тайёрланган кадрлар сифатини баҳолаш кадрлар истеъмолчилари томонидан меҳнат фаолияти жараёнида амалга оширилади.

4.2 Олий таълим муассасаси:

- давлат аттестацияси ва аккредитацияси ҳақидаги низомда кўзда тутилган бакалаврлар

тайёрлаш бўйича мазкур стандарт талабларига ва сифатига амал қилишга;

-профессор- ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келишига;

-интеграллаштириган курс фанларининг дастурларида назарда тутилган ўқув-методик адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, яқка тартибда ишлаш ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;

-ўқув жараён моддий-техникавий жиҳатдан таъминланганига тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

5 Эслатма

5.1 Олий таълим муассасасига қуйидаги:

-курс турлари учун ўқув материалларини ўзлаштиришга ажратиладиган соатлар миқдорини 5% чегарасида, блокга кирувчи курслар учун – 10% чегарасида, мазкур стандартда кўзда тутилган минимал миқдорни таъминлаган ҳолда талаба ҳафталик максимал юкламасидан оширмаган ҳолда ўзгартириш;

-умумқасбий фанла блокига мос равишда гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математик ва табиий-илмий фанлар айрим қисмларини қай даражада чуқурлаштириб ўқитишни белгилаш;

- курслар мазмунини фан, техника ва технология ютуқларини ҳисобга олиб ўзгартириш ҳуқуқлари берилади

- битирув малакавий иш (лойиха) мавзусини белгилаш олий таълим муассасаси ректори томонидан расмийлаштирилади.

5.2 Курс ишлари (лойихалар)га фан бўйича ўқув фаолияти тури сифатида қаралади ва уни ўрганишга ажратилган соат чегарасида бажарилади.

5.3 Давлат таълим стандартларини билиш профессор-ўқитувчилар таркибини тегишли олий таълим йўналиши бўйича танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

Илова

5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича) таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

Т/р	Фанлар блоклари, интеграллашган курслар ва блоклар номлари	Умумий юкларнинг ҳажми Соатларда
1.00	Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	1704
2.00	Математик ва табиий-илмий фанлар	598
	<i>Математик коммуникатив курс</i>	352
2.01	Олий математика. Информатик лингвистика	352
	<i>Табиий-илмий курс</i>	246
2.02	Экология. Ҳозирги замон табиий билимлар концепцияси	164
2.03	География. Мамлакатшунослик	82
3.00	Умумқасбий фанлар	3280
	<i>Лингвистик курслар</i>	2894
3.01	Герман филологиясига кириш	2812
3.02	Тилшуносликка кириш	82
	<i>Адабиётшуносликка оид курслар</i>	386
3.03	Адабиётшуносликка кириш	82
3.04	Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти	304
4.00	Ихтисослик фанлар	704
4.01	Иккинчи чет тили	704
5.00	Қўшимча фанлар	490
5.01	Ҳарбий тайёргарлик	490
6.00	Танлов фанлар	568
	Жами	7344
	Малакавий амалиёт	1296
	Битирув малакавий иши	378
	Давлат аттестацияси	54
	Жами	9072

Библиографик маълумотлар

УДК 4

Гуруҳ У

ОКС

Таянч сўзлар: Мутахассислик, тадқиқот, лингвистика (тилшунослик), касбий фаолият, ахборот-коммуникатив кўникма, ахборот технологияси, филология, асосий чет тили, семинар, амалий машғулот, амалиёт, мустақил иш, ўқув жараёни, бакалавр, бакалаврият, университет, ихтисослик, касбий малака ва кўникма.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди Ўзбекистон Республикаси Олий № _____ ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг 20__ йил “_____” _____ даги “_____” – сонли 20__ йил «__»
_____ буйруғи билан тасдиқланган

ГЕРМАН ФИЛОЛОГИЯСИГА КИРИШ

(инглиз тили)

фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200000 - Гуманитар фанлар ва санъат
Таълим соҳаси:	220000 - Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5120100 - Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича)

Тошкент – 2015

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 20__ йил “__ “ _____даги “__ “ – сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Ирискулов М.Т. – ЎзДЖТУ, инглиз тили грамматикаси ва тарихи кафедраси доценти, ф.ф.н.

Расулова М.И. – ЎзДЖТУ, назарий фанлар кафедраси профессори, ф.ф.д.

Матякубов Ж.И. – ЎзДЖТУ, инглиз тили лексикологияси кафедраси доценти, ф.ф.н.

Қўлдошев А.М.– ЎзДЖТУ, инглиз тили грамматикаси ва тарихи кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент

Сатимов Ғ.Ҳ.– ЎзДЖТУ, инглиз тили грамматикаси ва тарихи кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Такризчилар:

Цаканян А.А. – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти, п.ф.н.

Қўлдошев А.М. – ЎзДЖТУ, инглиз тили грамматикаси ва тил тарихи кафедраси мудири, ф.ф.н.

Доцент Сиддиқова И.А. – М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, доценти, ф.ф.н.

Фаннинг ўқув дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг

Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган. 20__ йил _____ даги “__ “- сонли баённома

Кириш

Герман филологиясига кириш ихтисослик фани сифатида тилни ўрганилаётган мамлакатларнинг бадиий адабиёт намуналарини ўқиш ва мазмунини англаш, даврий матбуот нашрларда баён этилган асосий воқеа-ҳодисалар тўғрисида ўқиб, маълумотга эга бўлиши ҳамда уларни оғзаки сўзлаб бериш, мазмунни ёзма баён этишга ўргатиш кўзда тутилади. Ушбу фандан ўтиладиган амалий машғулотларда матн билан ишлаш асосида талабаларнинг нутқий малакасини ошириш орқали турли хил нутқ услубларини билиб олиш имкониятини ҳосил қилди.

Оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти, амалий (назарий) фонетика ва грамматика, лексикология, стилистика, қиёсий типология дарсларида талабалар олган билимларини умумий тилшунослик, тил тарихи, назарий фонетика, грамматика, лексикология, стилистика, таржима, қиёсий типология, шунингдек психология, педагогика, методика соҳалари бўйича назарий курсларни ўрганиш жараёнида фойдалана билиши шарт.

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Ўқув фанининг мақсади - талабаларда лингвистик, коммуникатив ва лингво-мамлакатшунослик имкониятларни шакллантиришдир. Лингвистик компетентлик тил тизими ҳақидаги билим ва унинг хорижий тилда коммуникация жараёнида амал қилиш қоидаларини ўз ичига қамраб олади. Коммуникатив компетентлик нутқий коммуникация шартларига биноан хорижий тилда коммуникация жараёнини назарда тутди. Муомала (нутқ) вазияти мурожаат кимга қаратилгани ва суҳбатдошларнинг ўзаро муносабати коммуникация жиҳатдан ўта муҳимдир. Лингво-мамлакатшунослик компетенцияси тили ўрганилаётган мамлакатнинг айна пайтдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривож ва шунга мос тарзда нутқ муомала маданиятини назарда тутди. Оғзаки ва ёзма нутқ амалиёти фанининг касбий педагогик мақсади эса ўрганилаётган тилни адаптив даражада конкрет педагогик муомала малакаларини эгаллашни (ўқувчиларнинг интеллектуал фаолиятини бошқариш, нутқ фаолиятини муайян мақсадга йўналтириш, нутқ фаолиятини ташкил этиш, уни назорат қилиш ва х.к.) ўз ичига қамраб олади.

Фанининг вазифаси – нутқ амалиёти талабаларнинг мантикий тафаккурини, чет тилидаги нутқий қобилиятини, хотирлаш турлари, фикрлари, умумнутқий ва умумтаълимий йўриқларни, тил бўйича мустақил ишлаш малакаларини ривожлантиради. Асосий чет тили дарсларида амалий ва назарий грамматика, мамлакатшунослик, лексикология, тил тарихи, стилистика, шунингдек, психология, методика ва бошқа фанларда ўзлаштирган билим ва малакаларни қўлланилиши кўзда тутилади.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, қўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар

“Герман филологиясига кириш (инглиз тили)” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- ўрганилаётган тилнинг морфологик тузилиши ва товуш тизими; ўрганилаётган тилдан ўқитиш олиб борилаётган тилга таржима амалиёти спецификаси ва стилистик хусусиятлари, меъёрий грамматика асослари;

- ўрганилаётган тилнинг ривож ва тил доирасидаги асосий экстралингвистик шаклланишнинг асосий факторлари ҳамда тарихий манбалари, унинг диалектик хилма-хиллиги;

- мулоқотнинг оғзаки ва ёзма турлари;

- хорижий тилларда фикрни лисоний ифода қилиш усуллари ва уларнинг нутқ оғзаки ва ёзма шаклларида қўлланилиши қонуниятлари;

- нутқнинг диалогик ва монологик шакллари ҳақида **тасаввурга эга бўлиши**;

- тилнинг замонавий ҳолати тавсифи, ёзув, графика, орфография, унктауция, лексик-грамматик туркумлар, сўз тузилиши, бошқа тиллардан сўз кириб келишининг умумий тарихини;

- содда ва қўшма гаплар, сўз бирикмалари синтаксиси, лексика ва ёзма нутқ, диалектик лексиканинг асосий хусусиятлари;

- ўрганилаётган тилда сўзловчи шахсларнинг кенг тарқалган кундалик ва касбий вазиятларда сўзлаган нутқини тушуна олиш: эшитилаётган матнлардан (радио, телевидение, видеокассеталар) ҳамда илмий матнларни тушуна олиш ва улардан ўзи учун зарур бўлган ахборотни ола билиш;

- матнларни лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш, турли жанрга оид матнларни чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига оғзаки ва ёзма таржима қилиш;

- жаҳоннинг турли давлатлари маданияти хусусиятларини қиёслаш, солиштириш ва таҳлил қилиш;

- лисоний ва ўлкашуносликка алоқадор билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, коммуникатив кўникмаларини фаоллаштириш учун замонавий инфор­мацион технологиялардан фойдаланиш малака­сига эга бўлиши ва улардан фойдалана олиши;

- асосий ўрганилаётган чет тилдаги ҳозирги адабий шаклида турли хил мураккаблигдаги матнларнинг ёзма таржима қилиш;

- ўрганилаётган тилда хорижий мутахассислар билан касбий ва маиший вазиятларда жонли мулоқот олиб бориш;

- ҳар хил мавзу ва матнларни ўқитиш олиб борил­фётган тилга суҳбат, нутқ ва маърузаларни оғзаки изчил ва синхрон таржима қила олиш;

- ўрганилаётган чет тили ва ўқитиш олиб борилаётган тилдаги маълумотларни кўллаб аннотация, реферат, маълумотлар тўплаш ва тузиш;

- янги инфор­мацион технологиялардан касбга йўналтирилган мақсадларда фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши зарур.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма – кетлиги

Асосий ўрганилаётган чет (инглиз) тили фани айниқса, амалий фонетика ва амалий грамматика, инглиз адабиёти фанлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу дарсларда талабалар олган билимларини умумий тилшунослик, тил тарихи, назарий фонетика, грамматика, лексикология, стилистика, таржима, қиёсий типология, шунингдек, психология, педагогика, методика фанлари бўйича назарий курсларни ўрганиш жараёнида фойдалана билишлари шарт. Бу инглиз тили фанининг ушбу фанлар билан алоқадорлигини ва мазмуний узвийлигини таъминлайди.

Фаннинг амалиётдаги ўрни

Хорижий филология таълим йўналиши бўйича бакалавр тайёрлаш босқичининг ажралмас бўғини сифатида асосий ўрганилаётган чет (инглиз) тили умум­касбий фан ҳисобланиб, талаба-бакалаврларнинг умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида фаолият кўрсатишга ёрдам беради. Бу эса талабаларнинг касбий фаолиятида инглиз тилини амалий қўллаш малакасини ҳосил қилади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг Герман филологиясига кириш (инглиз тили) фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усуллари­дан фойдаланиш, янги инфор­мацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, тарқатма ва электрон материаллардан фойдаланилади. Ушбу фанни ўрганишда таълимнинг замонавий методларидан, яъни электрон почта, чат каналлар ва виртуал ҳақиқийликни ўзида жамлаган интернетдан фойдаланиш лозим, яъни электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш бу каби билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш ва ривожлантиришда катта самара беради.

Асосий қисм

Фаннинг амалий ва назарий машғулоти мазмуни

Ўрганилаётган тилнинг нутқий ва ўзаро мулоқот юрита олиш малакаси ва маҳоратини лингвистик, коммуникатив, тил, ижтимоий-маданий билимлар воситасида шакллантиришдан иборатдир. Бу ўзга тил маданиятини ўрганиш бўлиб, унинг таркибига:

Ўқиш, билим олиш, тарбия ва ривожланиш нуқтаи назаридан чет тилини коммуникатив ўқитиш жараёнида берилиши мумкин бўлган маънавий бойликлар киради. Ўзга тил маданиятини ўқитиш учун фаолият турлари: сўзлашув, тинглаш, ўқиш ва ёзув бўйича меъёрий жиҳатидан тўғри ва функционал муқобил нутқий кўникма ва маҳоратга эга бўлиш керак бўлади. Билим олиш жиҳати талабалар томонидан мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти тўғрисида, ўз мамлакати ҳамда тили ўрганилаётган мамлакатдаги моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳалари тўғрисидаги маълумотларни ўзлаштиришдан иборатдир.

Ўзга тил маданиятининг тарбиялаш жиҳати таркибига сўзлашув маданиятида маданиятлараро муносабатни таъминлай оладиган, маданиятлараро алоқаларда ўз мамлакати номидан вакиллик қила оладиган, ўз маданияти ва бошқа маданиятларнинг маънавий бойликларига ҳурмат билан муносабатда бўладиган коммуникатив фаол шахсни тарбиялаш киради.

Ўзга тил маданиятининг ривожлантирувчи жиҳати нутқий ва коммуникатив қобилиятлар, жумладан, фонетик эшитиш, фарқлаш, ўхшатиш, мантиқий баён этиш, тилни сезиш, нутқ фаолиятининг турли шакллари ва усулларидан (ёзма ва оғзаки, паралингвистик, экстралингвистик ва бошқалар) фойдаланиш қобилияти; нутқ фаолияти билан боғлиқ руҳий функциялар (фикрлаш, хотирлаш, эътибор қилиш, тасаввур қилиш, интеллект-ақл-идроқ, таҳлил қилиш, синтез қилиш, умумлаштириш); феъл-атвор хусусиятлари: меҳнатсеварлик, иродалилиқ, собитқадамлик, фаоллик ва бошқалар; маданиятлараро ўзаро муносабатга асосланиш; мустақил фаолият юритишга тайёр бўлиш. Мазкур ўқув фани ўз хусусиятига кўра ижтимоий ҳаёт билан бевосита ва билвоста боғлиқ ҳолда жамиятнинг турли соҳаларида учрайдиган мавзуларни қамраб олишга ҳаракат қилади. Шунга кўра мавзулар кўлами кенг ва рангбаранг. Умумлашган ва жамланган шаклда асосий чет тили бўйича бакалаврият йўналишининг барча тўрт босқичи учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган давлатларда олий таълим.
2. Болалар тарбияси муаммолари.
3. Келажакдаги мутахассислик (касбий фаолият ва бизнесда қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин)
4. Ўзбекистон ва тили ўрганилаётган давлатларда суд ва суд амалиёти
5. Адабиёт, мусиқа ва ижодий фаолиятнинг бошқа турлари.
6. АҚШ, Буюк Британия ва Ўзбекистон халқлари урф-одатлари
7. Ўзбекистон иқтисодиётини қайта қуриш тамойиллари.
8. Дўстлик, муҳаббат, оила муаммолари;
9. Радио, телевидение ва матбуот (тижоратда рекламанинг роли)
10. Маиший хизмат кўрсатиш.
11. Ўзбекистон Республикасининг миллий рамзлари.
12. Замонавий жамиятда оиланинг ўрни.
13. Талабаларнинг ҳаёти ва ўқиш тарзи.
14. Мода ва харид қилиш (ўзбек халқи ва инглиз тилида гапирувчи халқларнинг миллий кийимлари).
15. Ўзбекистон ва инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларнинг миллий таомлари.
16. Телефон орқали мулоқот.
17. Об-ҳаво, табиат манзаралари, табиий офатлар. Ўзбекистон ва инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларнинг миллий байрамлари. Театрга ташриф Шоу-бизнес. Замонавий инсон қиёфаси (инсон ва жамият, инсон ва табиат).

Грамматика

Грамматиканинг тил аспекти орасидаги ўрни. Морфология. Синтаксис. Грамматик категория. Грамматик маъно ва грамматик шакл. Грамматик алоқани ифода қилишнинг усуллари. Синтетик шакл. Аналитик шакл. Супплетивизм. Тилнинг асосий бирликлари. Сўз. Морфема. Сўз бирикмаси. Гап.

От

Сўз туркумларига ажратишнинг асосий тамойиллари. Отнинг асосий белгилари. Отларнинг семантик таснифи. Отларнинг структурасига кўра турлари. Отнинг грамматик категориялари. Сон категорияси. Бошқа тиллардан кирган отларда кўплик шаклининг ясалиши. Киши номлари ёки фамилияларнинг кўплик шакли. Ўзгармас шаклдаги отлар. Фақат бирликда ишлатиладиган отлар. (*Singularia Tantum*) Фақат кўпликда ишлатиладиган отлар (*Pluralia Tantum*). Келишик категорияси. Бош ва қаратқич келишик шаклларининг функционал тавсифи. Отнинг гапдаги вазифалари. Отларда род категориясининг муаммолари. От яшаш. Абстракт отлар ясовчи суффикслар. Кичрайтириш ва эркалатиш маъносини ифодаловчи суффикслар. Кўшма отларнинг ясалиш усуллари. Кўшма отларнинг структураси.

Сифат

Сифатнинг структурасига кўра турлари. Аслий ва нисбий сифатлар. Сифат даражалари. Сифат даражаларини яшаш усуллари: Синтетик усул, аналитик усул, супплетив усул. Сифат маъноларини кўчайтириш ва кучсизлантириш. Сифатларнинг отлашиши. Отлашган сифатларнинг маъносига кўра турлари. Сифатнинг гапдаги вазифаси. Сифат воситасида ясаладиган бирикмалар. Сифат яшаш. Суффикслар ёрдамида сифат яшаш. Кўшма сифатлар.

Олмош

Олмошларнинг умумий классификацияси. Олмошларнинг шахс кўрсатишига кўра турлари. Олмошларнинг лексик-грамматик турлари. Кишилик олмошлари. Кишилик олмошларининг грамматик категориялари. Эгалик олмошлари. Эгалик олмошларининг боғлиқ шакли. Эгалик олмошларининг мустақил (абсолют) шакли. Ўзлик олмошлари. Ўзлик олмошларининг грамматик категориялари. Эмфатик (кучайтирувчи) олмошлар. Кўрсатиш олмошлари. Биргалик олмошлари. Сўроқ олмошлари. Нисбий олмошлар. Боғловчи олмошлар. Гумон олмошлари. Шахс билдирувчи гумон олмошлари. Белгилаш олмошлари. Бўлишсизлик (инкор) олмошлари. Олмошларнинг синтактик вазифалари.

Сон

Соннинг структурасига кўра турлари. Соннинг умумий классификацияси. Санок сонлар. Тартиб сонлар. Каср сонлар. Хронологик сонлар. Соннинг гапдаги вазифалари. Сонларнинг отлашуви.

Равиш

Равишнинг структурасига кўра турлари. Равишларнинг маъносига кўра турлари. Ўрин равиши. Пайт равиши. Ҳолат равиши. Такрорий равишлар. Даража, миқдор ва ўлчов равишлари. Сўроқ равишлари. Сабаб ва натижа равишлари. Равиш даражалари. Равишларнинг гапдаги ўрни. Ҳолат категориясини билдирувчи сўзлар.

Феъл

Феълларнинг структурасига кўра турлари. Содда феъллар. Ясама феъллар. Кўшма феъллар. Мураккаб (ёки таркибли) феъллар. Феълларнинг асосий шакллари. Тўғри ва нотўғри феъллар. Супплетив феъллар. Ўтимли ва ўтимсиз феъллар. Икки хил маъноли феъллар.

Феълнинг функционал турлари

Феълларнинг синтактик функциясига кўра турлари. Мустақил (маъно билдирувчи) феъллар. Боғловчи феъллар, Ёрдамчи феъллар, Модаль феъллар. **То be феъли.** *To be* феълнинг мустақил феъл, боғловчи, модаль ва ёрдамчи феъл тарзида ишлатилиши. *To have* феълнинг асосий функциялари (асосий феъл, ёрдамчи, модаль феъл). *To do* феълнинг функциялари (асосий феъл ва ёрдамчи феъл). Боғловчи феъл вазифасида ишлатилувчи феъллар, *to be, to become, to feel, to get, to grow, to remain, to keep, to seem, to look, to go, to fall, to come, to appear, to sit, to lie* феъллари. **Модал феъллар:** *Can (would)* ва унинг эквиваленти *to be able (to), May (might)* ва унинг эквиваленти *to be allowed (to), Must* ва унинг эквиваленти *To have (to), to be (to), Need* феъли, *Dare* феъли, *Ought* феъли. *Shall* феъли, *Should* феъли, *Will* феъл, *Would* феъли.

Феълларнинг грамматик категориялари

Нисбат категорияси. Майл категорияси. Шахс ва сон категорияси. Замон ва аспект категориялари. Ноаниқ (оддий) замонлар группаси. Ҳозирги ноаниқ замон (Оддий ҳозирги замон) Ноаниқ ҳозирги замоннинг ишлатилиши. Оддий ўтган замон. Оддий ўтган замоннинг ясалиши ва ишлатилиши. Оддий келаси замоннинг ясалиши ва ишлатилиши. Оддий келаси замоннинг функционал вариантлари (*to be going to*). Давомли замонлар гуруҳи. Ҳозирги давомли замоннинг ясалиши ва ишлатилиши. Давомли замонларда ишлатилмайдиган феъллар. Ўтган давомли замоннинг ясалиши ва ишлатилиши. Келаси давомли замоннинг ясалиши ва ишлатилиши. Перфект замони шакллари. Ҳозирги замон перфект шаклининг ясалиши ва ишлатилиши. Ўтган замон перфект шаклининг ясалиши ва ишлатилиши. Келаси замон перфект шаклининг ясалиши ва ишлатилиши. Перфект давомли замон шаклининг ясалиши ва ишлатилиши. Нисбат категорияси. Аниқ нисбат. Мажхул нисбат. Мажхул нисбатда турли замон шаклларининг ишлатилиши. Мажхул нисбатда ўтимлилик ва ўтимсизлик. Пассив шакли ва кўшма от кесим. Иш-ҳаракат пассиви. *Get* ёрдамчи феъли ёрдамида ясаладиган мажхул структуралар. Бир объектли ва икки объектли мажхул қурилмалар. Мажхул нисбат маъносини ифодаловчи конструкциялар. Каузатив маъносини ифодаловчи конструкциялар. Ўзлик маъносини ифодаловчи конструкциялар. Биргалик маъносини ифодаловчи конструкциялар *With* –ли фраза, *by* ли фразаларнинг ишлатилиши.

Майл категорияси

Аниқлик майли, Буйруқ майли. Шарт майли. Майл шаклларининг ясалиши ва ишлатилиши. Шарт майлининг синтетик ва аналитик шакллари. Ҳозирги замон ва ўтган замон синтетик шакллари. Майл ёрдамчи феъллари ва уларнинг функционал характеристикаси. Шарт майли шаклларининг содда гапларда ишлатилиши. Шарт майлининг шарт эргаш гапли кўшма гапда ишлатилиши. Шарт майлининг мақсад ва натижа эргаш гапда ишлатилиши. Пайт ва ўрин эргаш гапларда шарт майлининг ишлатилиши. Тўсиқсизлик ва қиёс эргаш гапларда шарт майлининг ишлатилиши. Эга ва кесим эргаш гапларда шарт майлининг ишлатилиши. Тўлдирувчи ва аниқловчи эргаш гапларда шарт майлининг ишлатилиши. Изоҳловчи эргаш гапларда шарт майлининг ишлатилиши. Ҳис–ҳаяжон билдирувчи гапларда шарт майлининг ишлатилиши. Феълнинг тусланмаган (шахсиз) шакллари.

Сифатдош

Сифатдошда перфект категорияси. Сифатдошда нисбат категорияси. Сифатдош I нинг гаптаги синтактик функцияси. Сифатдош II нинг гаптаги синтактик функцияси. Сифатдошли предикатив конструкциялар. Сифатдошли объектив конструкция. Сифатдошли субъектив конструкция. Сифатдошли номинатив абсолют конструкция. Сифатдошли предлогли абсолют конструкция.

Герундий

Герундийда перфект категорияси. Герундийда нисбат категорияси. Герундийнинг гаптаги синтактик функцияси. Герундийли предикатив конструкция. Герундий, сифатдош ва отлашган феъл.

Инфинитив

Инфинитивда перфект категорияси. Инфинитивда нисбат категорияси. Инфинитивда аспект (тарз) категорияси. Инфинитивнинг гаптаги синтактик вазифаси. Инфинитивли объектив конструкция. Инфинитивли субъектив конструкция. *For-to-Inf* конструкция. Инфинитивнинг “*to*” сиз қўлланилиши.

Модал сўзлар

Модал сўзларнинг семантик гуруҳланиши. Ёрдамчи сўз туркумлари.

Кўмакчи

Кўмакчиларнинг маъносига кўра турлари. Предлогнинг гаптаги ўрни. Предлогларнинг структурасига кўра турлари. Предлог ва равишлар ўртасидаги омонимик алоқалар.

Боғловчи

Боғловчиларнинг гапдаги вазифасига кўра турлари.

Юкламалар

Юкламаларнинг маъноларига кўра турлари.

Ундов сўзлар. Артикль

Ноаниқ артикль. Ноаниқ артикльнинг ишлатилиши. Аниқ артикль. Аниқ артикльнинг ишлатилиши. Артикльнинг ишлатилмаслиги, тушиб қолиш ҳолатлари.

Синтаксис. Сўз бирикмаси

Сўз бирикмасининг компонентлари орасидаги синтак-тик муносабатлар. Бошқарув. Мослашув. Битишув.

Гап

Гап турлари. Дарак гаплар. Дарак гапда сўз таркиби. Дарак гапда инкорнинг ифодаланиши. Сўроқ гаплар. Сўроқ гапининг турлари. Умумий сўроқ гаплар. Махсус сўроқ гап. Альтернатив сўроқ гап. Ажратилган сўроқ гап. Риторик сўроқ гап. Буйруқ гаплар. Эмоционал гаплар. Гапларнинг структурасига кўра турлари. Содда гап. Икки таркибли гап. Бир составли гаплар. Тўлиқсиз гаплар. Шахсиз гаплар. Гап бўлаклари. Гапнинг бош бўлаклари. Эга. Эганинг ифодалиши. Эганинг It сўзи билан ифодаланиши. There+to be билан бошланадиган гаплар. Кесим. Кесимнинг турлари. Кесимнинг ифодаланиши. Кесимнинг эга билан мослашуви. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари. Тўлдирувчи. Тўлдирувчининг ифодаланиши йўллари. Тўлдирувчининг турлари. Воситасиз тўлдирувчи. Воситали тўлдирувчи. Предлогли тўлдирувчи. Мураккаб тўлдирувчи. Ўзакдош тўлдирувчи. Аниқловчи. Аниқловчининг турлари. Аниқловчининг ифодаланиш йўллари. Аниқловчининг турлари. Изоҳловчи. Ҳол. Ҳолнинг ифодаланиш йўллари. Ҳолнинг мазмун жиҳатдан турлари. Гапнинг уюшиқ булаклари. Гапларнинг ажратилган бўлаклари. Киритма элементлар.

Кўшма гап

Боғланган кўшма гап. Эргашган кўшма гап. Эга эргаш гап. Кесим эргаш гап. Аниқловчи эргаш гап. Аниқловчи эргаш гапнинг турлари. Тўлдирувчи эргаш гап. Ҳол эргаш гапли кўшма гап. Пайт эргаш гап. Ўрин эргаш гап. Сабаб эргаш гап. Мақсад эргаш гап. Натижа эргаш гап. Тўсиқсиз эргаш гап. Шарт эргаш гап. Равиш эргаш гап. Қиёс эргаш гап. Кириш гаплар. Аралаш кўшма гап ёки боғланган эргашган кўшма гап. Замонларнинг мослашуви. Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар. Кўчирма гап таркибининг дарак гапларда ўзлаштирма гапга айлантеририлиши. Буйруқ ва илтимос маъноларини билдирувчи гапларнинг ўзлаштирма гап таркибида берилиши. Кўчирма гапдаги ундов гапларнинг ўзлаштирма гапда ўзгариши. Саломлашиш ва хайрлашиш пайтида қўлланиладиган ибораларни ўзлаштирма гапда берилиши. Фокус, тема ва эмфаза. Информацион фокус. Нисбат ва ўзгартиришлар. Тема ва инверсия. Экзистенциал гаплар.

Пунктуация

Нукта. Сўроқ белгиси. Ундов белгиси. Икки нукта. Кўп нукта. Кўштирноқ. Вергул. Нуктали вергул. Тире.

Фонетика

Фонетиканинг тилшуносликда тутган ўрни. Фонетика нутқ товушлари ҳақидаги фан сифатида. Нутқ товушларининг ҳосил бўлиш қонуниятлари. Фонетикада адабий талаффуз нормаси. RP (Received Pronunciation) (Англия адабий талаффуз нормаси) - ўқув нормаси сифатида. Инглиз тилининг халқаро тил даражасига кўтарилиши ва талаффуз турлари. Британия инглиз тили (BE) ва Америка инглиз тили (AE) талаффузи ўртасида мавжуд фарқлар. Адабий талаффузнинг функционал-стилистик хусусиятлари. Инглиз тили фонетик қурилишининг қисмлари. Сегмент фонемалар: унли ва ундош товушлар, уларнинг бир биридан фарқи, товушлар дистрибуцияси ва бирикиши ва улар ўртасидаги артикуляцион ўзгаришлар. Инглиз тилининг бўғин қурилиши: бўғин ясаилиши ва бўғин ажратилиши. Инглиз тилида сўз урғуси, унинг ўрни, даражаси, вазифалари. Инглиз тили интонацияси ва унинг ташкилий қисмлари-нутқ мелодикаси, гап урғуси, темпорал ва

тембрал бўлақларнинг яхлитлиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Интонациянинг нутқдаги ўрни ва вазифалари.

Ҳозирги инглиз тилида сегмент фонемалар

Сегмент фонемаларнинг артикуляцион томони: товушлар ҳосил бўлишининг тўрт механизми (куч, тебраниш, резонаторлик ва тўсиқни енгиш), уларга алоқадор бўлган нутқ органлари. Нутқ органларининг тузилиши, фаолияти ва вазифалари. Унли товушларни тасниф қилишда ўзбек, рус, инглиз ва америка олимларининг фикрлари. Унлиларнинг талаффуз турғунлигига кўра (монофтонг, дифтонг, дифтонгоид), тилнинг горизонтал ва вертикал ҳаракатига кўра, лабларнинг ҳолатига кўра, тарихий чўзиқлигига кўра, нутқ органларининг таранглашувига кўра таснифи. Инглиз тили унлиларини рус ва ўзбек тили унлилари билан қиёслаш. Ундош товушларни тасниф қилишда рус, ўзбек, инглиз ва америка олимларининг фикрлари. Ундош товушларни товуш пайчаларининг иштирокига кўра ва талаффуз кучига кўра; фаол ва пассив нутқ органларига кўра, товуш ҳосил бўлишида тўсиқнинг турига кўра ва шовқиннинг характерига кўра, кичик тилнинг фаолиятига кўра таснифи. Инглиз тилида аффрикат товушларининг сони ҳақида фикрлар. Инглиз тили ундошларини рус ва ўзбек тили ундошлари билан қиёслаш. Унли ва ундош товушларнинг ҳосил бўлишида асосий фарқлар. Турли тилларда мавжуд бир хил товушларнинг сифат жиҳатидан фарқланиши. Артикуляцион база тушунчаси. Сегмент фонемалар ҳосил бўлишининг акустик томони: нутқ товушларининг, физик хусусиятлари (товуш тебраниши, чўзиқлиги, овоз тони), уларнинг артикуляцион шакли. Сегмент фонемаларнинг фонологик томони: фонемага таъриф бериш муаммоси. Фонеманинг уч хусусияти яхлитлигидан иборатлиги: 1) унинг материал (талаффуз) томони; 2) абстрактлиги, умумийлиги ва 3) функционал, яъни маъно фарқлай олиш хусусияти. Фонема ва унинг вариантлари (аллофонлари). Сегмент фонемаларнинг конститутив ва дистинктив вазифалари. Инглиз тилида урғусиз унлилар ва уларнинг таснифи. Транскрипция ва унинг турлари. Инглиз тилида нутқ товушларининг ўзгариши ва уларнинг турлари. Бу ҳақида Москва ва Санкт олимларининг қарашлари. Ассимиляция, аккомодация ва элизия каби товуш ўзгариши хусусиятлари.

Инглиз тилида бўғин қурилиши

Бўғин фонетиканинг талаффуз бирлиги сифатида. Бўғиннинг нутқдаги вазифалари. Инглиз тилида бўғин ҳосил қилувчи товушлар. Бўғиннинг таркибий қисмлари ва турлари. Бўғин бошида ва охирида унли ва ундошларнинг бирика олиши. Ҳозирги инглиз тилида бўғин ажратиш қоидалари. Бўғин ҳақида мавжуд назариялар. Бўғиннинг вазифалари.

Инглиз тилида сўз урғуси

Сўз урғуси тушунчаси, уларнинг турлари (динамик, мусиқий, сифат ва миқдор урғулари). Инглиз тилида сўз урғусининг хусусиятлари. Урғунинг ўрни ва даражаси. Урғу ўрнини белгиловчи омиллар (рецессив, ритмик, грамматик ва семантик), уларнинг ўзаро муносабати. Инглиз тилида сўз урғусининг вазифалари.

Инглиз тилида интонация

Интонация таърифи. Тор ва кенг таъриф. Интонациянинг ташкилий қисмлари ва уларнинг вазифалари. Интонация ва просодия. Интонациянинг мелодик компоненти, унинг таърифи ва вазифалари. Текст ҳосил қилишда мелодик компонентнинг роли. Мелодик компонентнинг турлари. Интонациянинг гап урғуси компоненти, унинг таърифи ва вазифалари. Гап урғусининг турлари. Гап урғуси ва сўз урғуси муносабати. Инглиз тилида гап урғусининг матн тузишда ритмик ва интонацион гуруҳлар ҳосил қилишдаги роли. Гап урғусининг мелодик компонент билан ўзаро муносабати ва гапнинг коммуникатив марказини ҳосил қилиш қобиляти. Гап урғусининг вазифалари. Интонацияни ёзма ифодалаш турлари (Л. Армстронг ва И. Уорд системаси ва Р. Кингдон методи). Америкалик дискриптивистлар томонидан интонациянинг рақамли ва поҳонали ифодаланиши. Интонацияда нутқ тезлиги (темп), овоз бўёғи (тембр), пауза (тўхтама) ва ритм (урғули ва урғусиз бўғинлар кетма-кетлиги) каби бирликларнинг вазифалари.

Интонациянинг фонологик вазифаси. Интонация тушунчаси. Интонациянинг матн ҳосил қилиш вазифаси.

Нутқнинг фоностилистик хусусиятлари

Фоностилистиканинг асосий ўрганиш объектлари. Талаффуз нормаси ва унинг стилистик фарқланиши масаласи. Фонетик услубларни ифодалашда экстралингвистик ва паралингвистик воситалар. Товуш ва интонация стилистикаси. Интонацион услуб турлари. Фонетик синонимия масаласи. Товушлар символикаси тушунчаси.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Бакиева Г.Х. ва бошқалар. Keep in Touch. – Т., Филолог, 2004
2. Shelley V.I. Something to Crow About, Washington, 1995
3. Thomas Kral. The Lighter Side of TEFL, Washington, 1994
4. Martin Seviour. Word Wise, Washington, 2001
5. Dean Curry. Right Reading, Washington, 1994
6. Short Situational Dialogues for every day use.
7. Iriskulov M.T., Shatunova A.S. English Phonetics. – Т., 2006
8. Абдураимова Б. ва бошқалар. Инглиз тили амалий грамматикаси. Т. 2006
9. Iskhak Yakubov. English speaking countries. – Т.: Filolog, 2004
10. Iriskulov M.T., Shatunova A.S. English Phonetics. – Т., 2006
11. Iriskulov M.T., Shatunova A.S. Practical English Phonetics Achievement Tests. – Т., 2007
12. Grammar of spoken and written English. Harlow: Longman. 2000
13. O'Connor J.D. Better English Pronunciation. – Cambridge, 1995
14. Peter Roach. English Phonetics and Phonology. A Practical Course. – Cambridge, 1994
15. Roberts P. English Sentences – New York, 2000
16. Agatha Christie. The Labours of Hercules.-М.: Высшая школа, 1988.
17. Edgar Allan Po. Seven of note.

Қўшимча адабиётлар

1. Аракин В.Д. Практический курс английского языка для 2 курса. – М.: Владос, 1999.
2. Каушанская В.Л. Грамматика английского языка. М. – 2005
3. Качалова В.Н. Практическая грамматика английского языка-- М.2000
4. Соколова М.А. и др. Практическая фонетика английского языка.– М., 2001
5. Iriskulov M.T.A Brief Course of Lectures on Theoretical Grammar of English. Т.2000
6. Abduazizov A.A. Theoretical Phonetics of Modern English. – Т., 2007
7. Sokolova M.A. English Phonetics. A Theoretical Course. – М., 2004
8. Blokh M.Ya. A Course in Modern English Grammar. М. 2002
9. Иванова И.П.Бурлакова, В.В.Почепцов Г.Г. Теоретическая грамматика английского языка, М.ВШ. (2-изд) 1996
10. Чемоданов Н.С. «Введение в германскую филологию» М.ВШ.1994
11. Хлебникова О.С. «Введение в английскую филологию», М.ВШ. 1992
12. Расторгуева Е.А История английского языка. М.Владос, 2005
13. Иванова И.П История английского языка. М.Владос. 2000
14. Иванова И.П. Пособие по истории английского языка. М. 2005 – 140 с.
15. Komissarov V.N. Koralova A.L. A Manual of translation from English into Russian M., Higher school, 1990.
16. Инглиз ва ўбек тиллари қиёсий грамматикаси. Тошкент, «Ўқитувчи» 1973.
17. Бўронов Ж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. М., Высшая школа 1983.

18. Расулова М. И. Основы лексической категоризации в лингвистике. Тошкент, Фан, 2005. 240 стр.
19. Саломов Г. Таржима назариясига кириш. - Т., 1990.
20. Саломов Г. Таржима назарияси асослари. - Т., 1990.
21. Мусаев К. Таржима назарияси. - Т., 2003.
22. Леонович О.А.-Страноведение Великобритании., М., 2004.
23. Francis W.N. The Structure of American English. – New York, 1998
24. Бурлакова В.В. About Britain.-М.: Высшая школа, 1965.
25. Королькова В.А. Learn to read papers.-М.: Высшая школа, 1989.
26. Малявин Ю.В. Работа с газетами на уроках английского языка.
27. Шехтман Н.А. Практикум по фразеологии современного языка. - Л., Просвещение, 1971.
28. Quirk R et.al. Comprehensive Grammar of the English language, Cambridge University Press. 2004
29. Murphy R. English Grammar in Use,Cambridge,1996
30. David Crystal. The Cambridge Encyclopedia of the English Language. Cambridge, 2000.
31. Хервиг Вольфрам. Готы – СПб : Ювента , 2003-656 с
32. Буданова В.П. Варварский мир эпохи Великого переселения народов. М. 2000, 312 с.
33. Bromhead P.-Life in Modern Britain.,L.,1986.
34. Хаймович Б.С, Роговская Б.Е.Теоретическая грамматика английского языка. М., ВШ.1967. М. ВШ.
35. Резвцова М. Д., Афанасьева О. В., Самохина Т. С. Практикум по сравнительной типологии английского и русского языков. М., Просвещение, 1989.

Электрон таълим ресурслари:

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.pedagog.uz
4. www.teachingenglish.org.uk

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўқув ишлари бўйича проректор

Х. Хақимов

«__» _____ 20__ й.

ГЕРМАН ФИЛОЛОГИЯСИГА КИРИШ

фанидан

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУР

Билим соҳаси:	200000	– гуманитар фанлар ва санъат
Таълим соҳаси	220000	– гуманитар фанлар
Таълим йўналиши:	5120100	– Филология ва тилларни ўқитиш (тиллар бўйича)

Умумий ўқув соати - 68

Маъруза: 18

Семинар машғулоти - 20

Мустақил таълим соати - 20

Тошкент – 2015 й

Фаннинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 1-инглиз филологияси факультети Илмий кенгашининг 20__ йил _____даги мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

Филология (тиллар бўйича) таълим йўналиши ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Филология фанлари номзоди, доцент

Қўлдошев А. М.

Такризчи:

Филология фанлари номзоди, доцент

Жўраев Б.

Фаннинг ишчи ўқув дастури 1-инглиз филологияси факультети Илмий кенгашининг 20__ йил _____даги 1-сонли мажлис баёни билан тасдиққа тавсия этилди.

20__ йил _____

Илмий кенгаш раиси:

Т.А.Мадрахимов

20__ йил _____

Келишилди:

Кафедра мудири:

Қ. Джаббарова

Ишчи ўқув дастур 1-инглиз филологияси факультети Илмий кенгашида муҳокама этилди ва маъқулланди (2015 йил _____даги ___-сонли баённома).

Илмий кенгаш раиси: _____ Т.А.Мадрахимов

АННОТАЦИЯ: Герман филологиясига кириш фани бўйича ўқув-услубий мажмуа инглиз тили грамматикаси ва тарихи кафедраси томонидан яратилди ва ушбу ўқув-услубий мажмуа иккинчи курс талабалар учун мўлжалланган. Мазкур курсни ўзлаштирган талаба герман филологияси бўйича ўқилган маърузанинг мазмунини тушуниб етарлича билимга эга бўлиш, тилшуносликда тил ва унинг пайдо бўлиши, тил оилалари, тилларнинг ўзгаришининг асосий факторлари, тилларининг ҳозирги даврдаги ривожланиши ва уларнинг ўрни ҳақида тушунчага эга бўлади. Герман филологиясига кириш фани бўйича яратилган ушбу ўқув-услубий мажмуа олий ўқув юртлари факультет ва бўлимларда инглиз филологияси бакалавриат йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашга мўлжалланган.

1. Сўз боши

Курснинг мақсад ва вазифалари

Герман филологиясига кириш фанининг мақсади ва вазифаси университетлар ва педагогика институтлари филология факультет талабаларини Ҳинд-Европа тиллари оиласига кирувчи герман тиллари гуруҳининг ўзига хос хусусиятлари билан таништиришдан иборатдир. Шу билан бирга герман қабилаларининг Европа бўйлаб тарқалиши, уларнинг қабилалари ва қабила гуруҳлари биринчи қиролликларнинг пайдо бўлиши ҳақида маълумотлар берилади. Кейинги бўлимларда эса, тилшуносликнинг тарихи ва унда муҳим роль ўйнаган киёсий-тарихий метод ҳақида гапирилиб, ушбу методнинг герман тилларининг бошқа ҳинд-европа тиллари ичидаги ўрни, уларнинг бири-бирига бўлган муносабатлари ҳақида маълумот берилади. Герман тилларида яратилган ёзма ёдгорликлар ҳақида гапирилади. Герман тилларининг ривожланиш қонуниятлари ва бу ривожланишнинг тил ички ва ташқи манбаларига қандай боғлиқлигини кўрсатиб бериш, талабаларни ҳар бир герман тилининг тарихини батафсил ўрганиб чиқишга қизиқтириш ва тайёрлаш мазкур фан мақсади ва вазифаларидан бирини ташкил этади.

Бакалаврлар учун мўлжалланган билим, кўникма ва малакаларга қўйилган талаблар:

- инглиз тили фонетикаси, грамматикаси ва луғат таркибидаги турли изоҳталаб ходисалар сабабини изоҳлай олиш:

- инглиз тилидаги мавжуд сўзларда ҳинд-европа ўзакларини таний билиш;

- ҳозирги замон герман тилларидаги инглиз тилига ўзакдош бўлган сўзларни тушуна олиш;

- ҳозирги замон инглиз тилида содир бўлаётган тараққиёт тенденцияларининг герман тилларидаги қуринишлари ичида изоҳлаш йўли орқали инглиз тили тараққиётининг умумий йўналишини аниқлай олиш:

- ҳозирги замон герман тилларидаги матнларни ўқиб, уларнинг қайси тилга мансуб эканлигини аниқлай олиш.

2. Герман филологиясига кириш фанидан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг

ТАҚСИМОТИ

№	Фаннинг бўлими ва мавзуси маъруза мазмуни	Соатлар		
		Маъруза	Семинар машғулотлари	Жами
1	Герман филологиясига кириш фанининг предмети	2	2	4
2	Герман тилларининг умумий хоссалари	2	2	4
3	Герман тилларининг фонетик хусусиятлари	2	2	4
4	Герман тилларининг луғат таркиби	2	2	4
5	Шарқий герман тиллари	2	2	4
6	Шимолий герман тиллари	2	2	4
7	Шимолий герман тиллари	2	2	4
8	Ғарбий герман тиллари	2	2	4
9	Ғарбий герман тиллари	2	4	6
	Жами:	18	20	38

3. Герман филологиясига кириш фанидан семинар машғулоти мавзуси ва мазмуни

№	Семинар мавзулари ва уларнинг мазмуни	Соат	Муддат	Мустақил ўрганишга тавсия этиладиган мавзулар
1	Герман филологиясига кириш фанининг предмети		Февраль	Ундошларнинг I на II кўчиши
2	Герман тилларининг умумий хоссалари			
3	Герман тилларининг фонетик хусусиятлари		Март	Гот тилининг герман тарихида тугган ўрни
4	Герман тилларининг луғат таркиби			
5	Шарқий герман тиллари		Апрель	Скандинав тилларини умумий характеристикаси
6	Шимолий герман тиллари			
7	Шимолий герман тиллари		Май	Немис тилининг тарихи
8	Ғарбий герман тиллари			
9	Ғарбий герман тиллари		Июнь	Герман тилларининг грамматик хоссалари
10	Ғарбий герман тиллари			

4. Талабалар мустақил таълимнинг мазмун ва ҳажми

№	Ишчи ўқув дастурнинг мустақил таълимга оид бўлим ва мавзулари	Мустақил таълимга оид топшириқ ва тавсиялар	Бажарилиш муддати
1	Герман тиллари тараққиётининг асосий қонуниятлари. Фонетик жараёнлар	Мавзу атрофлича ўрганилиб кўриб чиқилган адабиётлар бўйича мавзудан реферат тайёрлаш 4-6 бетли	Таълимнинг биринчи ҳафтаси
2	Гот тили	Мавзу атрофлича ўрганилиб кўриб чиқилган адабиётлар бўйича мавзудан реферат тайёрлаш 4-6 бетли	Таълимнинг иккинчи ҳафтаси
3	Швед, норвег ва исланд тилларининг асосий хусусиятлари	Мавзу атрофлича ўрганилиб кўриб чиқилган адабиётлар бўйича мавзудан реферат тайёрлаш 4-6 бетли	Таълимнинг учинчи ҳафтаси
4	Немис, инглиз ва фаранс тилларининг асосий хусусиятлари	Мавзу атрофлича ўрганилиб кўриб чиқилган адабиётлар бўйича мавзудан реферат тайёрлаш 4-6 бетли	Таълимнинг тўртинчи ҳафтаси
5	Голланд. Арфканс ва идиш тилларининг асосий хусусиятлари	Мавзу атрофлича ўрганилиб, кўриб чиқилган адабиётлар бўйича мавзудан реферат тайёрлаш 4-6 бетли	Таълимнинг бешинчи ҳафтаси
	Жами		

Эслатма:

1. Ҳар бир фан хусусиятларидан келиб чиқиб, баҳолаш мезонлари кафедра томонидан намунавий мезон шаклида ишлаб чиқилади.
2. Ёзма иш ҳажми кафедра томонидан белгиланади ва факультет кенгашида тасдиқланади.
3. Муайян фан бўйича талабанинг семестр давомидаги ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади. Ушбу 100 балл баҳолаш турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

жорий баҳолашга 40 балл

оралиқ баҳолашга 30 балл

якуний баҳолашга 30 балл

МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мустақил ишлар учун ўқув йили давомида 16 балл ажратилган бўлиб, улар ойлик рейтинг варақасида ўз аксини топган.

Жорий назорат – 4 балл

Оралик назорат – 3 балл

Якуний назорат – 3 балл

Юқорида таъкидланганидек, талабаларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида мустақил ишларини баҳс, айлана стол муҳокамаси, сахна кўринишлари, тақдимот, кўргазмали куруллар, ёрдамида ёритиб бериш назарда тутилган.

ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Балл	Баҳо	Талабаларнинг билим даражаси	
10-9	Аъло	Мавзу бўйича ижодий фикрлай олиш. Мавзу ҳақида мустақил мушоҳада юритиш. Мавзунинг моҳиятини тушуна олиш. Муҳокамада фаол қатнашиш. Равон сўзлашиш. Кўргазмали куруллардан унумли фойдаланиш.	
8	Яхши	Мавзу бўйича мустақил мушоҳада юритиш. Мавзунинг моҳиятини тушуна олиш. Кўргазмали куруллардан унумли фойдаланиш. Муҳокамада иштирок этиш.	
6-7	Қониқарли	Мавзу моҳиятини тушуниш. Мавзу ҳақида тасаввурга эга бўлиш. Мавзуни баён қилишдаги муаммолар.	
0 – 5	Қониқарсиз	Мавзу ҳақида мустақил мушоҳада юрита олмаслик. Муҳокамада иштирок этмаслик. Мавзу ҳақида тасаввурга эга эмаслик.	
9 – 10 балл	“аъло”	6 – 7 балл	“қониқарли”
8 балл	“яхши”	0 – 5 балл	“қониқарсиз”

3. Фойдаланинадиган ўқув -услубий адабиётлар, электрон таълим ресурслари ва дидактик воситалар рўйхати

Асосий адабиётлар

1. Kuldashv A. An Introduction to Germanic Philology. T., 2010
2. Арсеньева В.С. и др. «Введение в германскую филологию» М. Изд. ВШ., 1982
3. Чемоданов Н.С. «Введение в германскую филологию» М.ВШ., 1981
4. Хлебникова О.С. «Введение в английскую филологию» М.В.. 1983
5. Мейе А. «Введение в сравнительное изучение индоевропейских языков» М, 1933
6. Прокош Дж. «Сравнительная грамматика германских языков» М., 1958
7. Пизани В. «Общее и индоевропейское языкознание» М., 1960
8. Климов В.Г., Гамкрелидзе В.А. «Индоевропейцы и индоевропейские языки» М., 1994

Қўшимча адабиётлар

1. Гухман М.М. «Готский язык» М, 1957
2. Общее языкознание. Методы лингвистических исследований М.Изд. 1973.318 ст
3. Принципы описания языков мира (Под. Ред. Б.А.Серебренникова) М. Изд. Наука 1976, 400 ст
4. Миронов С.С. «Нидерландский язык» М., 1968
5. Языки народов мира. Том 1. индоевропейский языки. М., 1968
6. Кафедрадаги услубий ишланмалар

Электрон таълим ресурслари:

1. www.ziyonet.uz
2. www.edu.uz
3. www.pedagog.uz
4. www.teachingenglish.org.uk

Дидактик воситалар:

- жиҳозлар ва ускуналар, мосламалар: электрон доска, LCD монитор.
- видео-аудио ускуналар: видео ва аудио магнитофон;
- компьютер ва мультимедиа воситалар: компьютер, проектор.

4. Талабалар билимини баҳолаш турлари

ЖОРИЙ БАҲОЛАШ (ЖБ) – 40 балл

№	Назорат шакли	Назорат сони	Назорат учун балл	Йиғилган балл
1.	Reading Skills	4	2	8
2.	Listening Skills	4	2	8
3.	Writing Skills	4	2	8
4.	Speaking Skills	4	2	8
5.	Presentations (Self-directed Study)	4	2	8
Жами		20	10	40

ОРАЛИК БАҲОЛАШ (ОБ) – 30 балл

№	Назорат шакли	Назорат сони	Назорат учун балл	Йиғилган балл
1.	Test Paper	2	15	30
Жами		2	15	30

ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ (ЯБ) – 30 балл

№	Назорат шакли	Назорат сони	Назорат учун балл	Йиғилган балл
1.	Test Paper	1	15	15
2.	Oral check	1	15	15
Жами		2	30	30

ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Балл	Баҳо	Талабанинг билим даражаси
86 – 100	Аъло	86-100 балл учун талабанинг билим даражаси куйидагиларга жавоб бериши лозим: - Герман филологиясига кириш фанининг назарий материалларига оид хулоса ва қарор қабул қилиш; - мазкур фан мавзулари юзасидан ижодий фикрлай олиш; - Герман филологиясига кириш фанидаги баҳс ва мунозараларга бой бўлган мавзулар юзасидан мустақил мушоҳада юрита олиш; - мазкур фан орқали эришилган кўникма ва малакаларни амалда қўллай олиш; - муҳокама қилинаётган мавзу моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш; - мазкур фанга оид долзарб масалалар ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш;
71 – 85	Яхши	71-85 балл учун талабанинг билим даражаси куйидагиларга жавоб бериши лозим: - Герман филологиясига кириш фанининг долзарб масалалари ҳақида мустақил мушоҳада юритиш; - ўрганилаётган малака кўникмаларини амалда қўллаш; - муҳокама қилинаётган мавзулар моҳиятини тушуниш; - муҳокама қилинадиган мавзуни билиш, айтиб бериш ва тасаввурга эга бўлиш;
55 – 70	Қониқарли	55-70 балл учун талабанинг билим даражаси куйидагиларга жавоб бериши лозим: - Герман филологиясига кириш фанининг моҳиятини тушуниш; - мазкур фанининг энг долзарб масалалари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, билиш, айтиб бериш;
0 – 54	Қониқарсиз	Қуйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-54 балл билан баҳоланиши мумкин: - Герман филологиясига кириш фанидаги энг муҳим масалалар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаслик; - мазкур фандаги долзарб муаммоларни билмаслик.

МУНДАРИЖА

1. Аннотация
2. Сўзбоши
3. Герман филологиясига кириш фани бўйича мавзулар
4. Мустақил иш мавзулари
5. Мустақил ишларни баҳолаш мезони
6. Ўқув юкларининг ҳажми
7. Асосий адабиётлар
8. Электрон таълим ресурслари
9. Талабалар билимини баҳолаш турлари
10. Талабалар билимини баҳолаш мезони
11. Якуний назорат ёзма ишини ёзишга қўйиладиган талаблар
12. Якуний назорат ёзма ишининг мавзулари

ДАСТУР БАЖАРИЛИШИНИНГ КАЛЕНДАРЛИ РЕЖАСИ
(маъруза, амалий машғулотлар, курс ишлари)

Факультет _____ Курс 2
Академик гуруҳ _____
Фаннинг номи Герман филологиясига кириш
Амалий машғулотларни олиб боради _____

№	Машғулот турлари	Мавзу номи ва назоратлар турлари	Ажратилган соат	Бажарилганлиги ҳақида маълумот		Ўқитувчи имзоси
				ой ва кун	соатлар сони	
1	2	3	4	5	6	7
1.	назарий	Герман филологиясига кириш фанининг предмети	2			
2.	назарий	Герман тилларининг умумий хоссалари	2			
3.	назарий	Герман тилларининг фонетик хусусиятлари	2			
4.	назарий	Герман тилларининг луғат таркиби	2			
5.	назарий	Шарқий герман тиллари	2			
6.	назарий	Шимолий герман тиллари	2			
7.	назарий	Шимолий герман тиллари	2			
8.	назарий	Ғарбий герман тиллари	2			
9.	назарий	Ғарбий герман тиллари	2			
10.	амалий	Герман филологиясига кириш фанининг предмети	2			
11.	амалий	Герман тилларининг умумий хоссалари	2			
12.	амалий	Герман тилларининг фонетик хусусиятлари	2			
13.	амалий	Герман тилларининг луғат таркиби	2			
14.	амалий	Шарқий герман тиллари	2			
15.	амалий	Шимолий герман тиллари	2			
16.	амалий	Шимолий герман тиллари	2			
17.	амалий	Ғарбий герман тиллари	2			
18.	амалий	Ғарбий герман тиллари	2			
19.	амалий	Ғарбий герман тиллари	2			

Ўқитувчи _____
(имзо)

**“Герман филологиясига кириш фанининг предмети” мавзуси бўйича ўқув
машғулотнинг**

ТЕХНОЛОГИК КАРТАСИ

Иш босқичлар вакти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи А. Қўлдошев	Таълим олувчилар Талабалар
1 - босқич	Талабаларнинг ва аудиториянинг маърузага тайёрлиги текширилади, талабаларнинг дарсга келган келмаганлиги белгиланади.	Дарсга тайёрланадилар, маъруза дафтари ва бошқа зарур нарсаларни тайёрлаб, маърузанинг бошланишини кутадилар.
2 – босқич	Маъруза талабаларга маърузанинг режаси билан таништиради. <i>Lecture I.</i> <i>1. Introductory notes</i> <i>2. Linguistic map of the world</i> <i>3. Sociolinguistic analysis of the languages of the world</i> <i>4. General principles of the development of languages</i> <i>5. The Place of the Germanic Languages among the languages of the world</i> <i>6. General approaches and methods for language study</i> Мавзу экранга ёзилади ёки постер сифатида доскага осилади. Агар проектор ёки постер бўлмаса, доскага бўр билан ёзилади.	Талабалар маъруза мавзусини ёзиб оладилар.
3 – босқич	Маъруза мазкур маърузада киритиладиган асосий термин ва тушунчаларни киритади. <i>Philology, linguistic, language family, language group, language situation, language policy, endemic, pandemic, factors of language change, integration, differentiation, stylization, generalization, etc.</i>	Талабалар таянч сўз ва ибораларни дафтарларига ёзиб оладилар.
4 – босқич	Маърузага мазкур маърузада муҳокама қилинган мавзуларни ўрганиш учун тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхатини беради. Асосий адабиётлар А.С. Соловьева, Н.В. Арсеньева и др. Введение в германскую филологию, М. 1982, 10-32	Талабалар бу рўйхатни дафтарларига ёзиб оладилар.
5 - босқич	Маърузачи маърузани ўқийди: Керакли ўринларда постерлардан, экранга тушурилган жадвал, граф, сурат ва карталарни изоҳлаб тушунтириб беради. Бу босқични энг муҳим моменти шундаки, ўқитувчи cross-questions, spontaneous questions, brainstorming ёрдамида талабаларнинг берилган материални	Талабалар маърузани диққат билан тинглайдилар ва энг муҳим моментларни ёзиб борадилар ва маърузачитомонидан берилган саволларга жавоб беришга оракат қиладилар.

	тушуниб бораётгани ёки тушунмаётгани текшириб боради.	
6 – босқич	Маъруза тугагач ўқитувчи талабалар томонидан бериладиган саволларга атрофлича жавоб беради.	Талабалар ўзларини қизиқтирган тушунмай қолган нарсалар бўйича саволлар берадилар.
7 - босқич	Маърузачи навбатдаги маърузанинг номини айтади ва фаол қатнашган талабаларга қўйилган балларни эълон қилади.	Талабалар кейинги маъруза мавзусини ёзиб оладилар.
8 - босқич	Дарс тугайди	Талабалар аудиторияни тарк этади.

“Герман филологиясига кириш фанининг предмети” мавзуси бўйича маърузанинг таълим технологияси модели

Мавзу 1. Герман филологиясига кириш фанининг предмети

Вақти – 2 соат	Талабалар сони - 75 та
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	1. Дунёнинг лингвистик харитаси 2. Жаҳон тилларнинг социолингвистик таҳлили 3. Тиллар ривожланишнинг умумий тамойиллари 4. Герман тилларининг жаҳон тиллари орасида тутган ўрни 5. Тилларни ўрганишининг асосий қонуниятлари тамойиллари ва методлари билан таништиришдир.
Ўқув машғулотининг мақсади:	Ушбу маърузадан мақсад талабаларни ГФК фанини асосий қонуниятлари тамойиллари ва методлари билан таништиришдир.
Педагогик вазифалар: Талабалар диққатига қобилияти ва хотирасини курснинг мазмунини бошқаларга тушунтириб бера оладиган даражада ўрганиб олишга эришиш. Амалай олган назарий билимларини аввалдан эгаллаган амалий фанларга ўрганишга, изоҳлай олишга ўргатиш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Бу мавзунини ўрганган талаба қуйидагиларни эгаллаб олади. 1. Дунё тилларини генеологик жиҳатдан гуруҳлай билади. 2. Герман тиллари гуруҳининг асосий хоссаларини билиб олади. 3. Герман тилларини социолингвистик жиҳатдан ўрганиб олади. 4. Тиллар таракқиётини белгилаб берадиган асосий ыамойиллари билиб олади.
Таълим усуллари	Муаммоли маърузи
Таълим шакли	Интерактив таълим
Таълим воситалари	А) Дарсликлар Б) Ўқув қўлланмалар В) Тарқатма материаллар Г) Постерлар Д) ДВД форматидаги қўшимча материаллар
Таълим бериш шароити	Маъруза зали
Мониторинг ва баҳолаш	Маърузада талабанинг фаоллиги ва

Lecture I. *The subject matter of the Introduction to the English Philology*

1. Indo-European family of Languages
2. Common Germanic languages
3. The ancient Germans
4. Classification of Germanic Languages
5. Modern Germanic Languages

The word Philology is used to denote two disciplines; or aspects of human activity.

1. The study of human records, the establishment of their authenticity and their original form and determination of their meaning.
2. Linguistics.

This word is from Greek and it means “love of learning and literature”.

Linguistics is the branch of Philology which deals with the study of the theoretical and practical problems of language functioning: system, structure and usage.

The discipline we are presenting you within the hours given for this subject – that is “**An Introduction to Germanic Philology**” – deals with the problem of working out common features of the Germanic group of languages related to each other by the links of common origin. We’ll speak about the modern status of each member of the Germanic group of languages in the modern world.

These are the following aspects: structural, functional, historical, typological, quantitative, geographical, genetical, sociolinguistic, psychological and others.

Let’s consider some notions denoted by the above mentioned terms.

Genetically languages can be: **a)** related languages: English, Russian, Persian etc.; **b)** non-related: English, Uzbek, and Dravidian etc.

Geographically languages can be: **1. Endemic** - Endemic languages function within the frontiers of one country; **2. Pandemic** - Pandemic languages function as a means of communication in two or more countries of the world.

Quantitative aspect - In this case we discuss the numerical volume of the speakers in this or that language.

Typological aspect - Here we determine synthetic and analytic languages, languages of the agglutinative and amorphous type and others.

Sociolinguistic aspect deals with the problems of functioning of certain in the society. The following problems are discussed here: language situation, language policy, language planning, register, marker, etc.

Language situation denotes the quantity and functional value of the languages used in certain country or region.

Language planning is a notion which denotes a certain set of measures undertaken by the state authorities in relation to the languages used in the country.

Language situation can be of three types:

1) Monolingual (unilingual) language situation is a situation in which one language is used as a means of communication within the borders of a country.

2) Bilingual language situation.

Bilingual language policy is such a policy in which two languages are used as a means of communication in a country.

There are two of BLS:

1. Diglossia (from Greek *di* (two) and *glossa* – language)

2. Bilingualism proper (from Latin *bi* – (two) and *lingua* (language)). In diglossia one of the two languages used in the country is more preferable than the second one and some privileges are given to that language.

In bilingualism the two languages used in the country have got the equal social states and no privilege is given to any of them.

3) Polylingual (multilingual) language situation

In polylingual language situation more than two languages are used as a means of communication.

Language Policy can be of two types:

- 1) Constructive language policy
- 2) Destructive language policy

An example of language policy we can name the following items: **Destructive Language Policy** is observed in the following is carried out in the state: closing the school where the language is taught and where it is the language of teaching; closing the papers; decreasing the Radio & TV programs; promoting the use of other language; banning the use of this language in science; banning the language as a language of Parliament debates and other political activities.

Constructive Language Policy is observed when the state authorities promote the Language usage, increase, support and extend the language functions.

There are three types of *language varieties*: functional variety, social variety and territorial variety.

Socio-functional variety has the following functional types of the languages of the world: **a)** Official working language of UNO; **b)** Regional language; **c)** Official language of a Country; **d)** Language of a Part of a Country; **e)** Language of science and Technologies; **h)** Language of Prose and Poetry; **i)** Language of Teaching (or Instruction); **j)** Language of Nearby Territories (Neighbourhood); **k)** Language of Intercourse in the family; **l)** Language of Religion.

2) Social variety is observed in the following antinomies: men – women; old – young; educated – uneducated; urban – rural; white – black; colonial – Metropolitan

3) Territorial variety is observed in the functioning of the language in different parts of the world: a) Britain (dialects: Northern, Kentish, Middlesex, Southern, Cockney etc.); b) USA; c) Australia; d) Canada; e) South Africa; f) Ireland; g) Scotland.

Territorial variety of the language is such a variety which has developed a certain over-dialectal norm used in its territory of functioning.

Forms of Existence of the language

Language functions in the following forms:

- 1) **Literary language.** This has two forms: a) Literary bookish and b) Literary colloquial
- 2) **Vernacular speech**
- 3) **Dialect**

Functional-pragmatic variety is a variety which serves the aims of this or that communicative act or has obtained corresponding structural features.

Linguistic changes

There are two tendencies in the process of *a language development*:

1) Integration. (Convergence) In integration dialects or languages develop towards obtaining common features in phonetic, grammatical structures and vocabulary.

2) Differentiation (or divergence). In differentiation dialects or languages develop towards obtaining different features in phonetic, grammatical structures and vocabulary to form new languages.

Causes of language changes

There are two types of factors of language change:

1) Extra linguistic factors: Extra linguistic factors of language change include: a) Geographical factors; b) Social factors; c) Temporal factors.

2) Intra linguistic factors:

Intra linguistic factors of language change include:

1) Phonetic changes Phonetic changes include all kinds of changes taking place in the phonetic structure of a language like consonant and vowel changes, qualitative and quantitative changes, positional and independent changes.

2) Spelling changes Spelling changes include all changes taking place in the writing of words in different varieties of the language, like honour – honor, colour – color etc.

3) Grammatical changes Grammatical changes include all changes taking place in the grammatical structure of the language; like using one form instead of another: have got – have, in the street – on the street.

4) Lexical changes Lexical changes include all changes taking place in the vocabulary of the language. They are: widening, narrowing, metaphorical use, connotative use, occasionalisms.

5) Stylistic changes Stylistic changes include all changes within the frames of stylistics that is the use of the word of one style can be used in the other style, thus becoming a stylistically marked form.

Rate of linguistic changes

